

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида

УДК:336.143(575.1)

КАРИМОВ РАВШАНБЕК АХМАДЖОНОВИЧ

**Давлат бюджети харажатларини бюджет тизимининг
бўғинлари ўртасида тақсимланишини такомиллаштириш
йўллари**

5A230601 - “Давлат молиясини бошқариш”

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
проф. А.М. Жуманов**

Тошкент – 2014

РЕЖА

КИРИШ.....	3
I. БОБ. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ХАРАЖАТЛАРИНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Бюджет тизимининг мазмун-моҳияти ва назарий асослари.....	9
1.2. Бюджет харажатларининг иқтисодий мазмуни ва давлат функциялари билан боғлиқлиги.....	17
1.3. Давлат бюджети харажатларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш тамойиллари.....	25
1-боб бўйича хулосалар.....	33
II. БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЎҒИНЛАРИ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАНИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	35
2.1. Давлат бюджети харажатларининг таркиби ва унинг динамикаси таҳлили.....	35
2.2. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатлар тақсимланишининг амалдаги ҳолатининг таҳлили.....	44
2.3. Маҳаллий бюджет харажатлари таркиби ва динамикасининг таҳлили.....	53
2-боб бўйича хулосалар.....	56
III. БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЎҒИНЛАРИ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ ЯНАДА ТАОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	58
3.1. Ўзбекистонда турли даражадаги бюджетлар харажатларини режалаштириш билан боғлиқ муаммолар ва харажатлар самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналишлари.....	58
3.2. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимланиш тизимини янада такомиллаштириш истикболлари.....	68
3-боб бўйича хулосалар.....	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	76
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	80

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мустақил давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодийни модернизациялаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш каби кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда давлат бюджетиинг аҳамияти ғоят юксакдир.

Давлат бюджети юқорида тилган олинган ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишдаги аҳамиятини янада ошириш, утувор соҳа ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш самарадорлигини янада ошириш каби вазифаларнинг кун тартибига чиқарилиши ўз навбатида давлат бюджетининг харажатларини самарали бошқариш тизимини шакллантиришни тақозо қилади.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов давлат молияси соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида эришиган ютуқларимизга тўхталиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтдилар, “Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодий соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди”¹. Ҳақиқатда ҳам ҳозирги шароитда давлат бюджети харажатларининг асосий қисми ижтимоий

¹ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳалқ сўзи газетаси. 2014 йил.

соҳаларга сарфланаётган бўлса-да унинг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш, мамлакатдаги инвестицион фаолиқни янада жонлантиришдаги ҳиссаси ҳам сезиларли бўлмоқда.

Юқоридаги устувор вазифалар, давлат бюджетининг иқтисодий соҳасини қўллаб-қувватлашга қилинадиган хараатларини самарали бошқариш масаласини долзарблигини ва шунингдек, танланган магистрлик диссертация ишининг мавзуси долзарблигини тасдиқлайди.

Тадқиқот объекти ва предметини белгиланиши. Магистрлик диссертация ишининг объекти Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кесимида ўрганилди ва бу ишнинг объекти ҳисобланади.

Давлат бюджети маблағларини иқтисодийни қўллаб-қувватлаш соҳаларига сарфланиш жараёнидаги молиявий муносабатлар ишнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети, унинг харажатларини ижтимоий-иқтисодий мазмунини тадқиқ этиш, давлат бюджетининг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш харажатларини ижросининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида ҳозирги давр муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини назарий жиҳатдан ўрганиш;

- давлат бюджети харажатлари ва давлат бюджети орқали иқтисодийни давлат томонидан тартибга солиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

- давлат бюджетининг иқтисодийни қўллаб-қувватлаш харажатларининг амалдаги ҳолатини комплекс таҳлил қилиш;

- мамлакатдаги инвестиция сиёсати ва унда давлат бюджетининг хиссасини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ҳал қилиш йўллари бўйича амалий тавсияларни асослаш;

- бюджетни ўрта муддатли режалаштириш тизимини жорий этиш орқали иқтисодиёт харажатларини самарадорлигини ошириш бўйича фикр муоҳазаларни шакллантириш;

- давлат бюджетининг харажатлари устидан самарали назорат тизимини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва бошқалар идан иборат.

Тақиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ушбу тадқиқот ишида асосан Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг иқтисодиёт ва марказлаштирилган инвестициялар харажатларининг амалдаги ҳолати ўрганилган.

Тадқиқотнинг асоси фарази сифатида таъкидлаш жоизки, диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар истиқболда давлат бюджетининг миллий иқтисодиётдаги ислохотларни амалга оширишдаги аҳамиятини янада оширишда муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини таъминлаши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётларнинг таҳлили. Диссертация ишини ёзиш жараёнида давлат бюджети харажатлари, уларни бошқаришнинг илмий-назарий ва амалий асосларини ўзида мужассамлаштирган бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий, ўқув адабиётларидан фойдаланилди.

Хусусан хорижлик иқтисодчи олимларидан А.М.Бабич, А.М.Годин, Л.А.Дробозина, Ж.М.Кейнс, С.И.Лушин, В.А.Слепов, Н.С.Максимова, В.А.Галанов, Л.Н.Павлова, Г.Б.Поляк, В.М.Родионова, М.В.Романовский, Л.П. Павлова ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан А.В. Ваҳобов, Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов, Н.Х. Хайдаров, Ё.Ш. Файзуллаев, И.А. Азизова, З.Х. Срожиддинова, Ж.А.Қўчқоров, Б.К. Тухлиев, Г.Қосимова, Х.А. Қурбонов,

Т.Эшназаров ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини харажатларини режалаштириш ва бошқариш тизимининг илмий-назарий асосларини шакллантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар².

Тадқиқотда қўллаилган услубларнинг қисқача тавсифи. Диссертация ишини ёзиш жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, иқтисодий таҳлилнинг вертика ва горизонтал услубларидан ва статистик кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида тақлиф ва тавсиялар даражасигача тадқиқ этилганки, улар давлат бюджети иқтисодиёт харажатларини режалаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштирилиши орқали яқин келажак ва истиқболга мўлжалланган Ўзбекистон республикаси бюджет тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам бериши мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Давлат бюджети», «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими», «Давлат молиясини бошқариш» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ушбу диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги ислохотларнинг ҳозирги шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари тизимидаги ислохотлар ва уни бошқариш тизимининг амалдаги ҳолати комплекс ўрганилиб, мавжуд муаммолар аниқланганлиги ҳамда уни бартараф қилиш орқали давлат бюджети харажатлари

² Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712б.; Олимжонов О.О. Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар // Ҳаёт ва иқтисод. - Тошкент: 1992.- № 2- 11б.; Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А., Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш.- Тошкент, 2010 - 152 б.; Срожиддинова З.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик . – Тошкент: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010. – 500 б.; Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. - 199 б. Кучкаров Д. и др. Местные бюджеты через призмы проблем.// Экономическое обозрение. - Ташкент: 2004.- № 6 - 4 с.; Қосимова Г. Ҳазначилик фаолиятини ташкил қилиш.-Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2005.- 268 б.; Эшназаров Т. Ҳазначилик тизими муносабатлари. Монография.- Тошкент:”Фан” нашриёти, 2008.- 296 б.;

самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Магистрлик диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги куйидагиларда яққол намоён бўлади:

- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда давлат бюджетининг миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги янги вазифалари аниқланди;

- давлат бюджети орқали миллий иқтисодиётдаги ислохотлардаги давлатнинг роли ёритиб берилди;

- давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари ижросининг амалдаги тизими шароитида бюджет харажатларини бошқариш самарадорлиги баҳоланди;

- давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштириш ва натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни бюджетнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари самарадорлигини оширишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- давлат бюджети харажатларини назорат тизимини янада такомиллаштириш орқали тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг яқин ва истиболга мўлжалланган вазифалар бўйича таклифлар берилди.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва методологик асоси.

Республикамиз ва хорижий иқтисодчилар томонидан давлат бюджети харажатлари ва уни бошқариш тизимига бағишланган илмий- амалий ишлари ушбу диссертация ишининг назарий ва методологик асосини ташкил этади. Шу билан биргаликда илмий ишни ёзиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг меъёрий ҳужжатларидан, иқтисодчи-

олимлар асарларидан ва турли даврий нашрларда эълон қилинган материаллардан кенг фойдаланилди.

Диссертация иши таркибининг қисқача тавсифи. Иш кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар қисмларидан иборат.

Диссертация ишининг биринчи бобида давлат бюджети ва унинг харажатларини ижтимоий-иқтисодий мазмуни, миллий иқтисодиётдаги инвестиция сиёсатидаги аҳамияти, мақсади ва вазифаларининг назарий ва амалий асослари ёритиб берилган.

Диссертация ишининг иккинчи бобида давлат бюджетининг иқтисодиётни қўлаб қувватлаш ва марказаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатларининг ижроси, уларнинг самарадорлиги баҳоланди. Унда давлат бюджетининг харажатларини режалаштириш ҳамда ижроси кўрсаткичларини таққослаш воситасида бюджет харажатларини бошқариш самарадорлиги баҳоланган.

Диссертация ишининг учинчи бобида давлат бюджети харажатларини бюджетни ўрта муддатли режалаштириш тизими шароитида бошқариш самарадорлигини янада ошириш истиқболлари ёритиб берилган. Хусусан, унда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджет тизимини ўрта муддатли режалаштириш истиқболлари ёритилган. Бюджет харажатларининг назорат тизимини шакллантириш бўйича таклифлар берилган.

I. БОБ. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ХАРАЖАТЛАРИНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бюджет тизимининг мазмун-моҳияти ва назарий асослари

"Тизим" ибораси сўнги 40-50 йил давомида фалсафа фанида чуқур тадқиқ этиб келинмоқда ва уни бошқа соҳаларда бўлганидек, иқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотларда тизимли равишда ёндашув масаласи ривожланиб бормоқда. Давлат бюджети ҳам иқтисодий катгория сифатида давлатнинг асосий молиявий режаси экан, унинг иқтисодий категория сифатидаги асосий функцияларини, мазмун ва моҳиятини теран англаб етиш учун унга нисбатан тизимли ёндашув мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бу борада бир гуруҳ иқтисодчиларнинг фикрлари қуйидагилардан иборатдир, "Ижтимоий, шу жумладан иқтисодий жараёнларга тизимли ёндашиш реал воқеликнинг туб моҳиятини теран англашга, уларнинг атрофидаги бошқа ходисалар билан узвий алоқадорлик ва ўзаро таъсир ҳолатида ривожланишини англаб етишга кўмаклашади"³.


Ягона тизим - ўзаро узвий алоқадор ва чамбарчас боғлиқ қисмлар (предмет, жараён воқеалар)нинг бир бутун сифатида ҳаракатланиши, мавжуд бўлишидир. Тизимнинг муҳим жиҳати - структуравий хусусиятнинг борлиги, яъни воқеликнинг ички таркибий қисмларга эғалиги, бу қисмлар орасида поғонали бўйсунуш мавжудлиги ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллиги сифатида кўрилиши мумкин.

Бошқа иқтисодий категориялар каби давлат бюджети ҳам тизимли равишда улуксиз шаклланиб турувчи категориялардан биридир.

Давлат бюджети ҳам тарихий категория ҳисобланади. Чунки, унинг шаклланиши, давлатчилик муносабатларининг пайдо бўлиши билан объектив равишда боғланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида илк давлат бюджети муносабатларига тўхталиб, айрим иқтисодчилар,

³ Gadoev E.F. va b. Moliya. - T. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005.- 16 б

Туркистон Республикасининг давлат бюджетини хон хазинасидан давлат хазинасининг ажратилиши жараёнига боғлашадилар⁴. Бунда боғлиқликнинг асоси шу билан изоҳланадики, давлат бюджети биринчидан давлатнинг асосий молиявий режасини ифодалайди; иккинчидан, асосий марказлаштирилган пул фонди сифатида ҳар бир жамиятда шакллантирилган бюджет фонди ўша жамиятда яшовчи аҳолининг молиявий манфаатларини ўзида ифодалайди; учинчидан, унинг даромад қисмини шаклланиши мамлакатда яратилган миллий даромаднинг бир қисмини солиқлар ёки бошқа инструментлари воситасида узлуксиз марказлаштириш ва ушбу марказлашган фондлардан давлатнинг жамиятдаги асосий функцияларини бажаришлари учун сарфланадиган маблағларнинг сарфи йўналишлари в миқдори назарда тутилади.



1.1-Расм. Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятларининг чизмаси⁵

⁴ Х.Қурбонов ва б. Давлат бюджети. Ўқув услубий мажмуа. Тошкент 2013 йил.

⁵ Ушбу расм муаллиф томонидан «Давлат молиясини бошқариш» фанидан маърузалар матни асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги расмда давлат бюджетининг асосий ўзига хос усусиятлари бўйича сифат белиглари ифодаланган бўлиб, унда эътироф этилишича, давлат бюджети давлат молия тизимининг етакчи бўғинини ташкил этади. Чунки, давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулотнинг селиарли қисми қайта тақсимланади, қолаверса, пул фонди сифатида бошқа фондларга нисбатан йирик миқдордаги молиявий ресурсларни қайта тақсимлайди.

Шунингдек, давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси ҳисобланади. Ушбу хусусияти биан давлат бюджетининг истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари давлатнинг истиқболдаги иқтисодий сиёсатининг фалсафаси, мазмун ва моҳиятини ўзида ифодалайди.

Бюджетга таъсир кўрсатувчи объектив омилларга жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва жамиятнинг ривожланиш даражаси, миллий даромаднинг қай даражада тақсимланиши каби омиллар киради.

Субъектив омилларга эса давлатнинг шакли (республика, монархия.....), ўтказилаётган ислохотлар ва сиёсат йўналишлари киради.

Бюджет даромадлари ва харажатлари ижтимоий тузумларда турли кўринишларга эга бўлган. Собиқ социалистик тузумдаги бюджет муносабатларини кўздан кечирадиган бўлсак, бюджет даромадлари давлат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар ва давлат мулкидан келадиган даромадлар ҳисобига шаклланади. Бундай ҳолат молия - бюджет тизимини бошқаришда иқтисодий механизмлардан фойдаланиш имкониятини бермай қўяди, яъни унда хўжалик субъектларининг манфаатдорлиги паст бўлиб турли имтиёзлар ва рағбатлантиришларнинг фойдаси унчалик бўлмайди.

Бу борада, Б. Тўхлиев бошчилигидаги иқтисодчилар қуйидаги фикрларни билдиришган, « Бюджет харажатлари эса социалистик тузумда асосан халқ хўжалигини ривожлантириш учун сарфланади. Мудофаа харажатлари эса “қуролланиш пойгаси” туфайли харажатларнинг салмоқли улушини ташқил қиларди. Харажатларнинг ушбу йўналишларга мойиллиги, аҳолини ижтимоий-маданий тадбир эҳтиёжларига кўп

маблағлар сарфлаш имконини бермай қўйди ва бу соҳаларда жаҳондаги кўпгина мамлакатлардаги вазиятдан орқада қолиб кетишига олиб келди. Жамиятда бюджет муносабатларининг, юқорида айтиб ўтганимиздек, нотўғри ўрнатилиши социалистик тузум емирилишининг молиявий сабабларидан бири бўлганлиги эътироф этилади»⁶.

Асосий молиявий режа сифатида шуни таъкидлаш жоизки, унда молиявий режалаштиришга тегишли бўлган: тушумларнинг аниқ манбалари бўйича пул даромадлари (бюджет фондини шакллантириш); аниқ йўналишлар ва тадбирлар бўйича пул харажатлари (бюджет фондидан фойдаланиш) каби аломатлари ўз аксини топади.

Моддий маънода бюджет - тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдида қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборат. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Бюджет тузилмаси масаласи давлатнинг бюджет тизими амал қилишининг ташкилий асосларини ўзида акс эттиради. Маъмурий буйруқбозлик тизимида асосланган режали иқтисодиёт даврида мамлакатнинг бюджет қурилиши бошқаришнинг маъмурий усулларига мувофиқ равишда ташкил қилинди, бозор иқтисодиёти шароитида эса бюджет қурилиши олдинги тизимдан тубдан фарқ қилувчи усуллари ва ташкилий асослар воситасида ташкил қилинди.

Ҳар бир мамлакатда шакллантирилган давлат бюджети улардаги шакллантирилган давлат бошқарув тузилмасининг иерархиясига, турли даражадаги давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларининг ўзаро тақсимланишига бевосита боғлиқдир. Бу ўз навбатида ҳар қайси

⁶ Б.К. Тухлиев ва б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2007. - 19 б.

мамлакатда шакллантириладиган бюджет тизимининг асосини ташкил этади.

Аксарият адабиётларда бюджет тизими барча даражалардаги бюджетларнинг мажмуаси сифатида ёритилади. Бюджет тизимига берилган мазкур аниқликда аксарият муаллифлар тўхталишмоқда.

Профессор Г.Б. Полякнинг фикрига кўра, «Бюджет тизими - иқтисодий муносабатлар, давлат қурилмаси ва ҳуқуқ меъёрларига асосланган давлат, маъмурий - ҳудудий бирлашмалар бюджетлари, бюджет муносабатларида мустақил муассасалар ва фондларнинг мажмуасидир»⁷.

Шунингдек, профессор В.М. Родионова ҳам бюджет тизими - иқтисодий муносабатларга ва юридик меъёрларга асосланган мамлакатдаги барча турдаги бюджетларнинг мажмуаси, - деган фикрни билдиради.

Юқоридаги фикрларда, бюджет тизимининг ташкилий асослари билан бирга унинг барча турдаги ҳокимият органларининг ихтиёрида шакллантирилган бюджетлар мажмуасидан иборатлиги эътироф этилган.

Иқтисодчи З.Срожиддинова, “Бюджет тузилиши давлат бюджети ва мамлакат бюджет тизимининг ташкил этилишини, уларнинг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджетларнинг таркибини белгилайди. Бюджет тузилиши давлат тузилиши билан белгиланади. Мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши бюджет тизимлари бўғинлари сонини белгилайди, ҳар бир даражадаги давлат ҳокимияти органига тегишли бюджет конституциявий йўл билан бириктирилган бўлади.

Мамлакатларнинг давлат тузилишидаги, ҳокимият турли даражаларининг бюджет ҳуқуқларидаги фарқлар турли шаклдаги ва моделдаги бюджет тизимларини мавжудлигини белгилайди”⁸.

⁷ Поляк Г.Б. Бюджетная система РФ. – М.: ЮНИТИ, 2001.- 14 б.

⁸ Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик. –Тошкент, 2010. – 17 б.

Шунингдек, амалдаги иқтисодий муносабатлар тизими, барча даражадаги бюджетлар марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг аниқ вазифаларини молиялаштириш учун уларнинг ихтиёрида шакллантирилади.

2013 йил декабр ойида қабул қилинган Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси” бюджет тизимини шакллантириш ва уни бошқариш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича туб бурилиш даврини бошлаб берди.

Ушбу Кодекс:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тузилиши ва таркибий тузилмаси тамойилларини;
- давлат бюджети ва унинг таркибига кирувчи бюджетларни тузиш. Кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;
- бюджетнинг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш тамойилларини;
- турли даражалардаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини;
- Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш чоғида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини;
- Давлат бюджетини ижро этиш тизимини ва бошья бюджет соҳасига оид регламентларни ўзида ифодалайди.


Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси”нинг 2-боб 6-моддасида Бюджет тизимига қуйидагича таъриф берилган, “Бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил

этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди”⁹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси”га мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими 2 даражадан иборат бўлиб:

- 1). Республика бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар;
- 2). Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар.
- 3) Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар.

Янги Кодексга биноан бюджет тизимининг умумий структураси қуйидаги расмда ифодаланган.




1.2-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими¹⁰

Расмдан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадларининг умумий миқдори 2014 йилда 30,1 Трлн. сўмга режалаштирилган бўлса, убу даромадлар Республика бюджети, маҳаллий бюджетлар ва мақсадли жамғармалар ўртасида ўзаро тақсимланади. Худдий шунга мос ҳолда ушбу

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

¹⁰ Қурбонов Х.А. Давлат молиясини бошқариш. Маърузалар матни. Тошкент:ТДИУ, 2013 й.

даромадлар ҳисобига шакллантиладиган молиявий ресурсларни қайта тақсимланиши ўзида ифодаловчи давлат бюджети аражатларининг ҳам ҳар қайси бюджетлар ўртасида тақсимланиши кўришимиз мумкин.



1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджети тузилмасининг ташкилий чизмаси¹¹

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет тиимининг моддий асосини ташкил этувчи давлат бюджети тузилмаси ва унинг структураси давлат ҳокимияти органларининг тузилиш структурасига мос келади. Бунда, давлат бюджети: республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси, тошкент шаҳар ва 12 та вилоятлар бюджетини ҳамда қарийиб 199 туман ва шаҳаларлар бюджетларидан иборатдир. Ўзбекистон республикаси бюджет тизимининг тузилиш хусусияти унитар мамлакатлар

¹¹ Курбонов Х.А. , Баутинов М.Ж. Давлат молиясини бошқариш. Электрон ЎУМ.-Тошкент: ТДИУ, 2013 й. 18-слайд

бюджет тузилмасига мос ҳисобланиб, жами фискал юк бўйича жамланган даромадлар ҳар қайси давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари доирасида тақсимланади. Даромадларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши эса бевосита ҳар қайси давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларидан келиб чиқадиган харажат мажбуриятларига асосланади.

1.2. Бюджет харажатларининг иқтисодий мазмуни ва давлат функциялари билан боғлиқлиги.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти юқори даражада бўлиб, даромадларнинг асосий функцияси бюджет харажатларини молиявий таъминлаш, унинг моддий асосини шакллантириш ҳисобланади. Давлат бюджети харажатларининг асосий функцияси, устувор вазифаси эса давлатнинг жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотларни самарали реализация қилишни молиявий таъминлаш ҳисобланади. Асосий марказлаштирилган пул фонди сифатида давлат бюджети харажатлари орқали миллий даромад тармоқлар, ҳудудлар ва соҳалар ўртасида тақсимланади. Ушбу тақсимлаш жараёни нисбатлари биринчидан давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг мазмун-моҳиятига, иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг йўналишларига бевосита боғлиқдир.

Давлат бюджети харажатлари – давлат пул маблағлари жамғармасининг тақсимланиши ва ундан тармоқ, мақсадли ва ҳудудий даражаларда фойдаланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир. Бюджет харажатларида ягона тақсимоат жараёнининг икки томони: бюджет жамғармасининг таркибий қисмларга бўлиниши ва бюджетдан маблағлар оладиган моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда мақсадли сарф қилинадиган пул жамғармаларини

шакллантириш ўз аксини топади. Бюджет харажатлари категорияси ҳар бири миқдор ва сифат жиҳатидан тавсифланадиган харажатларнинг аниқ турлари орқали юзага чиқади. Сифат тавсифи ҳар бир бюджет харажати турининг иқтисодий мазмуни ва ижтимоий вазифасини миқдор тавсифи – уларнинг қийматини белгилашга имконият яратади.

Давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги ижтимоий ўзгартиришларни амалга оширишдаги фаол ўрни бюджет харажатлари турларининг хилма-хиллигини келтириб чиқаради. Бу хилма-хиллик бир қатор омиллар: табиат ва давлатнинг функциялари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси, бюджетнинг халқ хўжалиги билан алоқалари қай даражада тармоқланганлиги, бюджет маблағларини бериш шакллари ва бошқаларнинг таъсири билан боғлиқ. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг давлат тараққиётининг ҳар бир босқичида биргаликда кўшилиши иқтисодиёт еҳтиёжлари, уни бошқариш типи ва даражасига мувофиқ келадиган харажатлар тизимини пайдо этади.

Бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадларида уларни сарфлаш соҳалари бўйича – моддий ва ноишлаб чиқариш турларига бўладилар. Бюджетнинг ноишлаб чиқариш соҳани сақлаш ва ривожлантириш бўйича харажатлари, биринчи навбатда, уларнинг асосий мақсад – вазифасига кўра фарқланади, яъни ижтимоий-маданий тадбирларга ва умумдавлат харажатларига бўлинади. Бу гуруҳларнинг ҳар бири яна жуда кўп харажатлар турларини ўз ичига олади, бу харажатлар ўз навбатида, тармок, идора белгилари бўйича, сўнгра янада очикроқ қилиб ўз мазмуни ва айрим муассасалар, ташкилотлар фаолияти турлари бўйича бирлаштирилади.

Масалан, ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари маориф, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот харажатларини ўз ичига олади. Умумдавлат харажатлари эса бошқаришни маблағ билан таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини сақлаш, муҳофаа харажатларига бўлинади. Давлат бюджети харажатларида давлатнинг

иқтисодий ва ижтимоий сиёсати, ижтимоий жараёнларни бошқариш усуллари ўз аксини топади. Ноишлаб чиқариш соҳасида аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишда эришилган даражани сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий устуворликларни ҳисобга олган ҳолда, тармоқларнинг оптимал тузилмасига еришиш учун бюджетдан молиялаштириш кенгроқ қўлланилиши лозим. Битирув малакавий ишнинг мазкур бандида давлат бюджетини мазмуни ва моҳияти ўрганиб чиқилди. Сабаби, бюджет ижорсида ҳисоб-китоб тизимларини ўрганишда аввал, давлат бюджети аҳамиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бевосита навбатдаги бандда бюджет ижросини мукамал ўрганиш жоиздир.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети харажатлари муҳим аҳамият касб этадиган категориядир. Харажатлар орқали давлат жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотларининг реализация қилади. Харажатлар ёрдамида миллий даромаднинг маълум қисми қайта тақсимланади ва шу орқали давлат ўз таъсирини ишлаб чиқаришга ўтказади.

Иқтисодчи З.Х. Сројиддинова, давлат бюджетининг ушбу хусусиятларини тадқиқ қилиб қуйидаги фикрларни келтиради, “Давлат бюджети харажатлари- бу давлат ўз функциялари ва вазифаларини бажариш учун бюджетдан йўналтириладиган пул маблағлари оқимларидир”¹²

Ушбу берилган фикрда давлат бюджети харажатларининг давлат сиёсати билан ўзаро уйғунлиги ифодаланган. Шунингдек, ушбу фикр асосида хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий ресурслар фонди эконлигини тасдиқлайди.

Жамиятдаги ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг асосий иқтисодий агентларидан бири давлат ҳисобланади ва миллий даромадни тақсимлаш жараёнида иштирок этиб асосий марказлаштирилган молиявий ресурслар фонди сифатида давлат бюджети даромадлари

¹² O'zbekiston Respublikasi byudjet tizimi: Darslik / Z.X.Srojiddinova. – Toshkent, 2010. – 227 b.

шакллантирилади. Давлат бюджети харажатлари воситасида миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлашга таъсир ўтказилади.

Т. С. Маликов ва Н.Х. Ҳайдаровларнинг фикрича, “Бюджет харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюд-жетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган уму-мий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характериға эга, ифодаланишнинг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шу билан биргаликда бюджет харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фонда-ри маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шаклланти-риш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли соҳаларға йўналтириლაётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат”¹³.

Бюджетнинг биринчи даражали аҳамияти республикамиз раҳбарияти олға сураётган жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазифаларини бажаришини молиявий таъминлашда ўз ифодасини топади.

Бизға маълумки, миллий даромадни тақсимланиши жараёнида истеъмол фондлари ва жамғариш фондлари шакллантирилади. Истеъмол фондларининг ўзи икки турға ажратилади. Биринчи қисми ижтимоий истеъмол фонди ҳисобланса, иккинчи қисми шахсий истеъмол фонди ҳисобланади. Ижтимоий истеъмол фонди бу асосан ўзида марказлаштирилган бюджет фондини шакллантириш ва бюджет харажатлари кўринишда уни қайта тақсимлаш жараёнини ўзида ифодалайди. Миллий даромаднинг асосий компонентлари ҳисобланган ушбу фондларнинг ўзаронисбатлари давлат томонидан олиб бориладиган марказлаштириш сиёсатиға бевосита боғлиқдир.

¹³ Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008, 153 бет.

Миллий даромад товар пул муносабатлари шароитида асосан пул кўринишида ҳисоб қилинади. Аввало, ишлаб чиқарадиган соҳа ишчиларининг даромадлари кўринишларида ва ижтимоий талабларни қондиришга мўлжалланган жамиятнинг соф даромади кўринишида бўлади.

Миллий даромад ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида яратилади, унинг бир қисми хизматларни еркин тижорат асосида сотиш имкониятига эга бўлмаган, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган соҳаларга бюджет орқали қайта тақсимланади.

Давлат бюджетининг миллий даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчилик, яъни бозор иқтисодиёти шароитида яна ҳам ортмоқда. Чунки харажатларнинг тўғри йўналтирилиши иқтисодиётни тез сураётларда ривожлантиришни таъминлайди, бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш даражаси ошишга мамлакатнинг бойишига олиб келади. Бундан ташқари бюджет маблағларини мамлакат миллий иқтисодиёти турли соҳа ва тармоқларининг ривожлантиришга сафарбар қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жадаллаштириш, барча чоралар билан унумдорликни, илмий техника ютуқларини жорий қилиш имкониятларини беради. Бюджет харажатлари йўналиши соҳасига қараб моддий ва номоддий соҳаларга сарфланади.

Давлат бюджети харажатлари ўзининг мазмун ва моҳияти ва хусусиятларига кўра бир қатор турларга туркумланади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодий мазмунига кўра давлат бюджетининг харажатлари капитал ва жорий харажатларга бўлинади. Жорий харажатлар асосан иқтисодий тасниф бўйича 1 ва 2 гуруҳ харажатларини ўзи ичига олади. Хусусан, бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий фаолиятини таъминлаш учун сарфланадиган бюджет харажатлари, юқори бюджетдан қуйи бюджетларга ёки стратегик аҳамият касб етувчи товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларига бюджет дотацияси ва субвенция шаклида тақдим этиш

билан боғлиқ бўлган харажатлар бюджетнинг жорий харажатлари ҳисобланади.

Бюджетнинг капитал харажатлари такрор ишлаб чиқариш жараёнига сифат ва миқдор жиҳатдан таъсир етувчи харажатлардир. Бундай харажатлар инновацион ва инвестицион фаолиятга йўналтирилган харажатлар ҳисобланади. Бу харажатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- биринчидан, тасдиқланган инвестицион дастурга мувофиқ юридик шахсларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар;

- иккинчидан, бюджет кредитлари сифатида юридик шахсларга инвестицион мақсадлар учун бериладиган маблағлар;

- учинчидан, такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш харажатлари;

- тўртинчидан, давлат молиявий ва номолиявий активларини сотиб олиш ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар ва бошқа харажатларни киритишимиз мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг такрор ишлаб чиқаришдаги аҳамияти, унга таъсир етиш хусусиятлари бўйича миллий иқтисодитётга қилинадиган харажатлар, ижтимоий соҳага қилинадиган харажатларга бўлишимиз мумкин.

Иқтисодиёт харажатларига, дастлаб, давлат корхоналари ва давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш, уларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш, давлат моддий захираларини яратиш харажатлари киради.

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа харажатларига асосан ижтимоий инфратузилма тизими муассасаларини сақлаш харажатларини олиб, давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини реализация қилиш учун сарфланадиган бюджет маблағларини ўзида ифодалайди. Уларнинг бир қисми жамият аъзоларининг шахсий бошқа бир қисми эса бутун жамиятнинг еҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган.

Давлат бюджети харажатларининг тармоқ хусусиятлари бўйича туркумланиши кўриб ўтадиган бўлсак, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, давлат бошқаруви, мудофаа ва бошқа харажатларга бўлинишини кўришимиз мумкин. Бюджет харажатлари миллий иқтисодиёт (хўжалик) тармоқларининг пул фондларини шакллантиришда мустаҳкам молиявий асосни яратиш билан биргаликда, харажатларнинг тармоқлараро бўлиниши молиявий ресурсларни тақсимлашдаги нисбатларини аниқлашга ҳам имкон беради, миллий хўжаликнинг тармоқ таркибий тузилишини керакли йўналишга ўзгартиради. Масалан, ҳозирги пайтда мамлакатимизда яратилган миллий даромаднинг ҳажми бюджет маблағларининг катта қисмини ижтимоий соҳа ва аҳолини бевосита ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш имконини бераяпти. Бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини (асосан қишлоқ хўжалиги) кенг қўламларда бюджетдан молиялаштирилиши ҳам таъминланмоқда. Шунингдек, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш орқали иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилаётган модернизация, ишлаб чиқаришни янгिलाш ва инновацион технологиялар кенг жорий қилишга йўналтирилган йирик ва стратегик лойиҳалар реализация қилинмоқда.

Давлат бюджетининг барча харажатларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- миллий хўжаликка (иқтисодиётга) харажатлар;
- мудофаа харажатлари;
- бошқарув харажатлари.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ўз таркибига маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар

баҳоларидаги фарқларни бюджетдан қоплаш ва оилаларга ижтимоий нафақаларни олади. Давлатнинг ижтимоий функциясини ўзида акс эттириб, бу гуруҳдаги бюджетнинг харажатлари халқ таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, фан ва маданиятни молиялаштиришга, аҳолининг тиббий хизматга бўлган талабини қондиришга, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотни амалга оширишга кенг йўл очиб беради.

Давлат бюджетининг мудофаа харажатлари ҳам давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Улар ҳар бир давлатнинг ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаши зарурлиги билан боғлиқдир. Қуролли кучларнинг барча турлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бошқарув шаклидаги фаолият турининг давлат томонидан амалга оширилиши, унинг хўжалик-ташкilotчилик функцияси давлат бюджетидан бошқарув харажатлари деб номланган алоҳида харажатлар ажратилишини тақозо этади. Бошқарув (давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари) харажатлари давлат органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларига раҳбарлик қилишга имкон яратади.

Давлат жамиятнинг сиёсий институти сифатида сиёсий ҳокимиятга эғалик қилади. Давлатнинг 3 асосий иқтисодий функцияси мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.
2. Даромадларни қайта тақсимлаш
3. Ресурсларни тақсимлаш.

Давлат фирмалар ва уй хўжаликлари фаолиятини меъёргадек ташкил етиши, ресурслар бозори, товарлар ва хизматлар бозоридаги конъюнктурани узлуксиз равишда тартибга солиб туради. Хусусан, уй хўжаликларини солиққа тортиш ва ижтимоий трансфертлар орқали уй хўжаликларининг истеъмол талаби тартибга солинади. Истеъмол талабини тартибга солиш воситасида товарлар ва хизматлар бозорида талабни рағбатлантириш сиёсати

олиб борилади. Шунингдек, фирмалар фаолиятини уларга ажратиладиган субсидиялар ва солиқ тизими орқали фаолияти тартибга солиб турилади. Пировард натижада ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳаракати билан уларга нисбатан тескари траекторияга эга бўлган пул маблағларининг барқарор ҳаракати таъминланади.

Давлат бюджети орқали миллий даромад турли ижтимоий соҳалар, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ўртасида қайта тақсимланади. Бунда давлат бюджети харажатлари тизими ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини ривожланишини таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатида давлат бюджети устувор аҳамиятга эгадир. Маълумки, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида рақобатнинг объекти каитал ҳисобланиб, тармоқларнинг ривожланиши капиталнинг мувозанатли тақсимланишида солиқ тизими давлат томонидан таъсир етишининг асосий инструменти ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул фондларини ўзида ифода этади.

Давлат бюджети орқали миллий даромад қайта тақсимланади. Бунда давлат бюджети харажатлари устувор аҳамият касб этади. Давлат бюджети харажатлари ва унинг таркиби мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини ўзида ифода қилади. Шунингдек, давлатнинг асосий молиявий ресурслар фонди сифатида давлат бюджети воситасида давлат ўзининг функцияларини реализация қилишнинг молиявий асоси ва бошқа тартибга солиш инструментларига эга бўлади.

1.3. Давлат бюджети харажатларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш тамойиллари

Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу харажатлар асосини ташкил қилувчи давлат ижтимоий хизматларини

давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тақдим этилишига бевосита боғлиқдир. Ушбу хизматларни тақдим этиш кўлами ва ваколати бўйича давлат бюджети харажатлари республика ва маҳаллий бюджетларга бириктирилиши тавсия этилади. Бу борадаги оптимал нисбатни аниқлаш учун харажатларни бюджет тиими бўғинлари ўртасида тақсимланишининг концептуал асослари кўриб ўтамиз.

Бизга маълумки, давлат ббджети харажатлари бюджет тизимининг турли бўғинлари томонидан молиялаштирилиб, ушбу ҳолат харажат мажбуритларини тақсимланиш мезонлари асосида амалга оширилади. Давлат бюджети харажатларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши бир қатор тамойилларга асосланади ва ушбу тамойиллар куйидагилардан иборатдир:

1. Худудий мувофиқлик. Ушбу тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, шундай хизмат турлари мавжуд бўладики, уларни маҳаллий даражада молиялаштириш оптимал ҳисобланади. Хусусан, ҳудудларнинг табиий, иқлим ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқадиган айрим харажатлар маҳаллий даражада молиялаштирилиши максимал самара бериши мумкин. Масалан, кам таминланган оиаларга ижтимоий нафақалар бўйича харажатларнинг самарадорлиги ушбу харажатларни ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Масштаб даражасидаги самара. Хусусан, бюджет харажатларининг концентрацияси маблағларнинг иқтисод қилинишига олиб келиши мумкин. Масалан, Фуқарорларни ўзини-ўзи бошқариш органларини молиялаштириш харажатлари ёки худудий инвестиция дастурларидаги маҳаллий бюджетлар ҳисобига молиялаштириладиган қисмини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундай харажатлар ижро этувчи ҳокимият органларига максимал яқинликни талаб қилади.

3. Субсидиарлик. Бюджет хизматлари истеъмоли бўйича харажат ваколатларини амалга оширувчи ҳокимият органларига максимал яқинлик.

Масалан, тумандаги халқ таълим муассасалари таълим хизматлари туман аҳолиси учун тақдим этилади. Шундай экан ушбу хизматлардан туман аҳолисининг манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида ушбу харажатлар туман бюджетларига бириктирилади.

4. Ташқи самара(экстерналии). Маълум харажатларни амалга оширишдан жамият қанчалик манфаатдор бўлса, шунчалик юқори органларга бириктирилиши мақсадга мувофиқ. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган айрим харжатлар бўладик, убу харажатлар бўйича давлатнинг ижтимоий хизматидан барча ҳудудлар бирхил манфаатдор бўлади. Масалан, муҳофаа, миллий ҳавфсизлик, ташқи сиёсатни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу харажатларнинг маълум маҳаллий бюджетларга харажат ажбурияти сифатида бириктириш мантиқан ҳатолик ҳисобланади. Шунинг учун, бундай жамият бирдек манфаат кўрадиган харажатлар Республика бюджетига аражат мажбурияти сифатида бириктирилади.

5. Ҳудудий тафовут самараси. Бюджет хизматларини ишлаб чиқишда қанчалик ҳудудий тафовут бўлса, бундай харажатлар имкон даражасида қуйи бюджетлар томонидан тақдим этилиши зарур.

Жамият неъматининг турига қараб фойдаланувчилар оптимал гуруҳи ҳажми ва уларни жойлаштиришнинг географик чэгаралари фарқ қилиши сабабли юрисдикция ҳудудий соҳаси ҳар хил бўлган ҳар битта жамият неъматини билан таъминлаш учун мустақил институтлар яратишга олиб келиши мумкин еди, бироқ бу на иқтисодий ва на сиёсий жиҳатдан ўзини оқламайди. Кўплаб марказлар томонидан жамоавий қарорлар қабул қилиш харажатлари кескин ўсади, бу марказларнинг ҳудудий жиҳатдан кесишиб ўтадиган жавобгарлик соҳалари эса улар фаолиятини демократик назорат қилишни қийинлаштиради. Шунинг учун у ёки бу жамият неъматлари тақдим этиш учун жавобгарлик соҳасини тақсимлаш одатда мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тақсимланиши ва давлат тизимига мувофиқ бўлиб ўтади.

Айрим маҳаллий ижтимоий неъматларидан фойдаланувчилар жойлашган географик чэгараларнинг маъмурий-худудий чэгараларга мос келмаслиги натижасида минтақалараро ташқи самаралар вужудга келади. Битта жамоада тақдим этилаётган маҳаллий ижтимоий неъматлар уларнинг инкор этилмаслиги сабабли қўшни жамоалар томонидан фойдаланилиши, биринчи жамоа аҳли эса ўз навбатида қўшни жамога тақдим этилаётган маҳаллий ижтимоий неъматларидан фойдаланиши мумкин. айрим ҳолларда марказлашув фойдасига жиддий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маҳаллий ижтимоий неъматлари тақдим этишни алоҳида жамоалар ўртасида мувофиқлаштириш муаммоси вужудга келади.

Вужудга келадиган минтақалараро ташқи самаралар моҳияти 6.3-расмда тушунтириб берилган. Айтайлик, Х маҳаллий ижтимоий неъматлари фақат «А» минтақада ишлаб чиқарилади, бироқ ундан қўшни «В» минтақада яшовчи аҳоли ҳам фойдаланади. «А» минтақа учун Х неъматга талаб (жамиятнинг ушбу неъматдан фойдаланишда оладиган фойданинг энг юқори қиймати) GN_A тўғри чизиғи билан, «В» минтақа аҳолиси учун эса GN_B тўғри чизиғи билан белгиланади. Осон бўлиши учун жамият неъматлари тақдим этишнинг энг юқори харажатларини доимий деб ҳисоблаймиз. Бу харажатлар GK тўғри чизиғи билан белгиланади. «В» минтақада Х неъматни тақдим этиш иқтисодий сабабларга кўра мақсадга мувофиқ эмас, чунки унинг исталган ҳажмида ишлаб чиқариш энг юқори харажатлари минтақа аҳолиси оладиган фойда энг юқори қийматидан катта бўлади.

Иккала минтақа аҳолиси учун Х ижтимоий неъматдан олинадиган фойда энг юқори ҳажми бир хил:

$$GN = GN_A + GN_B \quad (1)$$


Х жамият неъматини тақдим этишнинг жамият нуқтаи назаридан оптимал ҳажми қуйидаги тенглама бўйича аниқланади

$$GN=GK \quad (2)$$

Шу билан бирга «А» минтақаси ҳукумати X маҳаллий ижтимоий неъматини ишлаб чиқариш ҳажми ҳақида қарор қабул қилишда фақат ўз минтақаси аҳолисининг ҳоҳиш-истакларини ҳисобга олади ва қуйидаги тенгламадан келиб чиқади

$$GN_A=GN_B \quad (3)$$

Натижада ишлаб чиқариш умуман жамият нуқтаи назарида оптимал бўлган X_0 ҳажмидан паст бўлган X_A даражада белгиланади. «А» минтақаси ҳукумат органларида X неъматни тақдим етишни ошириш учун ҳеч қандай иқтисодий стимул йўқ. Бу «В» минтақаси аҳолисига неъматларни «А» минтақаси аҳолисининг ҳисобидан тақдим етишни англаган бўларди, бу эса бюджет федерализми таъсирлари (турли даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги) зид келади.



1.4-расм. X маҳаллий ижтимоий неъматини марказлашган тарзда тақдим етишда вужудга келадиган минтақалараро ташқи самаралар

Жамият ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ў жамият неъмати тақдим етиш реал ҳажмини X_0 оптимал ҳажмга мувофиқ ҳолга келтириш учун ташқи самараларни интерналлаш зарур бўлиб, бунини икки хил усулда амалга ошириш мумкин:

➤ «А» ва «В» минтақа ҳукуматлари «В» минтақа аҳолиси томонидан унга талабни ҳисобга олган ҳолда «А» минтақада Х жамият неъматини молиялаштиришда қисман иштирок етиши ҳақида келишиб олиши мумкин.

➤ «В» минтақа аҳолиси еҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда «А» минтақада Х ижтимоий неъматини ишлаб чиқариш учун қўшимча маблағлар юқори турувчи бюджетдан ажратилиши мумкин.

Иккинчи йўл афзалроқ кўринади, чунки юқори турувчи ҳукумат органлари ажратилаётган маблағларнинг «А» минтақада мақсадли фойдаланилаётганлигини назорат қилиш имконига эга. Бундай имконият «В» минтақа ҳукуматида йўқ, «А» минтақа учун эса қўшимча олинган маблағларни улар учун муҳимроқ бўлган вазифаларни молиялаштириш учун сарфлаш истаги устунлик қилиши мумкин.

Исталган ҳолда ҳам Х жамият неъматини ишлаб чиқариш ҳажми бирлигига қўшимча молиялаштириш суммаси қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta GK = [GN_B / (GN_A + GN_B)] GK \quad (4)$$

Шунда Х неъматни ишлаб чиқариш учун «А» минтақа ҳукумат органларининг ўз харажатлари ΔGK га камаяди ва уни ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштиришда қуйидаги нисбатдан келиб чиқилади:

$$GN_A = GK - \Delta GK = GK \left(1 - \frac{GN_B}{GN_A + GN_B} \right) \quad (5)$$

Формулани оддий ўзгартириш натижасида $ГНА+ГНБ=ГК$ нисбатига, яъни жамият нуқтаи назаридан Х неъматни ишлаб чиқариш оптималлик шартига келамиз.

Бир ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Ўз навбатида, «В» минтақада Й маҳаллий ижтимоий неъматни ишлаб чиқарилиб, у «А» минтақа аҳолиси томонидан ҳам фойдаланилиши, лекин у ерда ишлаб чиқарилмаслиги мумкин. Х ва Й жамият неъматларини ишлаб чиқаришнинг бутун жамият учун оптимал ҳажмини таъминлаш учун ушбу неъматларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ташқи самараларни тўлиқ

интерналлаш зарур. Ўзаро мажбуриятларни ҳисобга олишга йўл қўйиб бўлмайди, чунки улар ҳар бир минтақа ҳукумати мос келувчи жамият неъматини ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштиришда йўналтириладиган шароитларни ўзгартирмайди. Ушбу ҳолат юқори даражадаги бюджетдан пул маблағлари ажратиш йўли билан минтақаларо ташқи самараларни интерналлаш фойдасига хизмат қиладиган яна бир далил бўлиб, бунда минтақалар ўртасида ваимозачетў амалда мумкин эмас. Минтақаларо ташқи самаралар айникса, катта шаҳарларда ёрқинроқ намоён бўлади, бунда бу шаҳарларда тақдим этилаётган кўплаб маҳаллий ижтимоий неъматларидан шаҳар атрофидаги туманлар аҳолиси ҳам у ёки бу даражада доимий фойдаланадилар.

1956 йилда америкалий иқтисодчи Ч.Тибу таклиф этган моделга мувофиқ бюджет номарказлаштириши битта ҳудуд доирасида хоҳиш-истаклари нисбатан бир хил бўлган фуқароларни жамлашга хизмат қилиши мумкин. У минтақалар ўртасида солиқ рақобати билан боғлиқ маҳаллий ижтимоий неъматларига нисбатан фуқароларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш механизмининг амал қилиши учун замин ҳозирлайди. Бу механизм «оёқ билан овоз бериш»дан иборат. Агар солиққа тортиш даражаси ва уларга мос келадиган маҳаллий ижтимоий неъматлари тақдим этиш ҳажми ва структураси турли минтақаларда бир-биридан фарқ қиладиган бўлса, ҳар бир шахснинг маҳаллий ижтимоий тақдим этиш ҳажми ва структураси билан солиққа тортиш даражаси унинг шахсий хоҳиш-истакларига кўпроқ мос келадиган минтақага кўчиб ўтиш имкони мавжуд бўлади. Ҳозирги пайтда Тибу моделини кенг амалга ошириш имконияти кўплаб-қотчиларда жиддий шубҳалар уйғотади. У иккита шартга мажбурий амал қилишни талаб қиладди:

- маҳаллий ижтимоий неъматлари билан таъминлаш даражаси турлича бўлган ҳудудий бирликлар сони кўплиги.
- Аҳолининг мутлоқ ҳаракатчанлиги, бунда миграция бирон-бир қўшимча харажатарли билан боғлиқ бўлмайди.

Биринчи шарт, қоидага кўра, бажарилади, бироқ кўплаб мамлакатларда асосий давлат хизматлари билан таъминлаш даражасида минтақалар ўртасидаги фарқларни сезиларли даражада бартараф қилувчи фаол минтақалараро қайта тақсимлаш амалга оширилади. Аҳолининг ҳаракатчанлиги эса ҳеч қачон мутлоқ бўлмайди. Миграция доимо маълум бир харажатлар билан боғлиқ, бунда харажатлар фақат молиявий бўлмаслиги ҳам мумкин. турар-жойни алмаштириш ҳақида қарор қабул қилишга қариндошлик алоқалари, ўрганиб қолган мулоқот доиралари, мутахассислик бўйича ишлаш имконияти, иқлимий шароитлар каби миграцияни тўхтатиб турувчи омиллар жиддий таъсир кўрсатади. Бошқа кўплаб мамлакатларга нисбатан аҳолининг ички ҳаракатчанлиги юқори эканлиги ва молиявий ресурсларни ҳудудлараро қайта тақсимлаш даражаси энг паст бўлган АҚШ бўйича емпирик маълумотлар Тибу моделининг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Бироқ бу ушбу механизм миллий менталитети, тарихий ва маданий анъаналари, иқтисодий ва давлат-сиёсий шароитлари бошқача бўлган бошқа мамлакатларда ҳам худди шундай амал қилади дегани эмас. Лекин шунга қарамай, Тибу модели шуни кўрсатадики, айрим шартларга риоя қилишда бюджет номарказлашуви маҳаллий ижтимоий неъматларига нисбатан фуқароларнинг ҳоҳиш-истакларини тўғри аниқлаш ва Парето-яхшилашга хизмат қилиши мумкин. Бюджет федерализми назарияси ва амалиётида бу имкониятни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бутун дунёда кузатилаётган аҳоли ҳаракатчанлигининг ўсиши билан уни амалга ошириш имкониятлари ортади.

Турли даражадаги бюджетларнинг мустақил фаолият юритиши бюджетлараро муносабатларда бир қатор муаммоларни вужудга келтирадики, улар айниқса, федератив давлатларда кучли тарзда намоён бўлиб, федерал марказ ва федерация субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг сиёсий муаммолари туфайли мураккаблашади. Бюджет федерализми назарияси бу муаммоларни ҳал қилишнинг иқтисодий

асосланган вариантларини беришга интилади. Реал бюджетлараро муносабатлар тизими қуйидаги шартларнинг албатта бажарилишини кўзда тутиши лозим:

- ҳар бир ҳукумат поғонаси харажатларга оид ваколатларининг аниқ, қонунчилик билан мустаҳкамланган тарзда тақсимланиши;

- ҳар бир ҳукумат поғонасига уларнинг ваколатларини амалга ошириш учун молиявий ресурслар тақдим этиш;

- бутун мамлакат ҳудудида жамият неъматлари истеъмолининг маълум бир стандартларига еришиш мақсадида вертикал (турли даражадаги бюджетлар ўртасида) ва горизонтал (бир хил даражадаги бюджетлар ўртасида) номуносибликларнинг йўқотилишини таъминловчи бюджетлараро трансфертлар тизимини ташкил қилиш.

1-боб бўйича хулосалар

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Давлат бюджети давлатнинг жамиятни сиёсий институти сифатида фаолиятининг моддий ва молиявий асосини ташкил этади. Давлат бюджети иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг моддий асосини мамлакатдаги ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёни натижасида шакллантирилган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад ташкил этади.

Ҳар қандай давлатда шакллантирилган бюджет тизимига давлатларнинг сиёсий тузилиши, ундаги бошқарув структураси бўйича тақсимланган ваколатлар таъсир этади.

Бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Давлат бюджети даромадларининг асосий вазифаси давлат бюджети харажатлари учун молиявий манбани шакллантириш бўлса,

харажатларнинг асосий вазифаси ўз навбатида давлатнинг жамиятдаги вазифаларини самарали бажарилишини молиявий таъминлаш ҳисобланади. Шунинг учун, бюджет сиёсатида аражатлар самарадорлигининг моддий асоси сифатида унинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланишининг нечоғли самарали ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, харажатларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- Ҳудудий мувофиқлик.
- Масштаб даражасидаги самара..
- Субсидиарлик.
- Ташқи самара(экстерналии).
- Ҳудудий тафовут самараси.

П.БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЎГИНЛАРИ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАНИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Давлат бюджети харажатларининг таркиби ва унинг динамикаси таҳлили

Давлат бюджетининг асосий вазифаси давлатнинг фискал сиёсати мазмунини ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кэнгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодий тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молия билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат килиш ҳисобланади.

Давлатнинг фискал сиёсати иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасига таъсирини мувофиқлаштириш зарур. Чунки, бюджет фақат маблағларни марказлаштириш, уларни тўплаш, жамғаришгина эмас, балки тўпланган молиявий ресурсларни оқилона сарфлашни ҳам ўзида ифодалайди. Бунинг самарадорлиги эса давлат бюджетининг аражалари тизимида ўзининг ифодасини топади.

Давлат бюджети харажатлари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг моддий мазмунини акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг кейинги йиллардаги таркибий таҳлиллари кўрсатадики, харажатлар номинал мазмунда (мутлақ кўрсаткичларида) ортиб бораётганлиги кузатишимиз мумкин. Лекин, унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бир каторда давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг изчил равишда ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсатнинг молиявий асосларини шакллантирилаётганлигини

кузатишимиз мумкин. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2.1-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	13550	100	16802	100	21190	100	26312	100	31582	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	7864	58,1	9723	58,2	12338	58,3	15573	59,2	18873	59,7
Иқтисодиёт харажатлари	1 561	11,5	1938	11,5	2338	11	2791	10,6	3385	10,7
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	840	6,1	1037	6,1	1174	5,5	1300	4,9	1500	4,7
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	486	3,5	627	3,7	844	3,9	825	3,1	1000	3,1
Бошқа харажатлар	2 798	20,6	3477	20,6	4495	21,2	5813	22,0	6903	21,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбир харажатлари йил сайин ошиб борган. Кейинги 5 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибида ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар 2010 йилда 58,1%дан 2014 йилда 59,7%гача ўсиб борган. Ушбу ҳолат ўз навбатида, жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида Республикамизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг узок, стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.Шунингдек, ушбу харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга уларнинг давлат бюджети харажатларидаги энг юқори салмоқни ташкил этмоқда.

Иқтисодиёт харажатлари эса 2010 йилда 1561 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 11,5 фоизни ташкил этган. 2014 йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 10,7 %ни тақил этган. Лекин ушбу харажатлар номинал мазмунда ўсиб борган.

Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2010 йилда 840 миллиард сўм, 2011 йилда 1037 млрд. сўм, 2012 йилда 1174 млрд. сўм, 2013 йилда 1300 млрд. сўмни ва 2014 йилда 1500 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

2012 йилги бюджет сиёсатида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондига 264 миллиард сўм, 2014 йилда эса ушбу жамғармага 311 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу ҳам ўз навбатида таълим ва тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш орқали таълим ва солиқни сақлаш бўйича хизматлар сифатини янада юксалтириш, пировардида аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда давлат бюджети алоҳида аҳамиятга эга бўлаётганини тасдиқлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари фаолияти учун харажатлар жами харажатлар таркибида 2010 йилда жами бюджет харажатларини 3,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу харажатлар 3,1 фоизни ташкил этган. Демак, номинал мазмунда ушбу харажатлар қарийиб 2 баробардан кўп ўсган бўлса-да, уларнинг бюджет харажатларидаги салмоғи камайиб борган.

Юқоридаги жадвалдаги бюджет харажатлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани

кузатилмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалардан ташкил топган. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин.

2.2- жадвал

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлар таркиби (прогноз)

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	7864	100	9723	100	12338	100	15573	100	18873	100
Таълим	4496	57,1	5604	57,6	7163	58,1	8984	57,6	10765	57,0
Соғлиқни сақлаш	1720	21,8	2228	22,9	3027	24,5	3768	24,1	4495	23,8
Маданият ва спорт	155	1,9	185	1,9	226	1,8	279	1,7	334	1,7
Илм-фан	82	1,1	109	1,1	139	1,1	173	1,1	199	1,0
Ижтимоий таъминот	59	0,7	72	0,7	87	0,7	107	0,7	125	0,7
Оилаларга ижтимоий нафақалар	1314	16,7	1383	14,2	1624	13,1	1839	11,8	2047	10,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Ушбу харажатларнинг таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, оилаларга ижтимоий нафақалар асосий салмоққа эга бўлмоқда. Хусусан, таълим соҳасига қилинаётган бюджет харажатлари 2010 йилда 4496 млрд. сўмни ташкил этиб, жами бюджет харажатларидаги улуши 57,1%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2011 йилги жами бюджет харажатларида 57,6%ни, 2012 йилги жами бюджет харажатларида 58,1%ни, 2013 йилда мос

равишда 57,6%ни, 2014 йилда мос равишда 57,0%ни ташкил этиши кўзда тутилган.

Аҳолининг турмуш даражасини ва уларнинг даромадларини изчил ошириш, яъни иш ҳақи, стипендия, ижтимоий нафақа ва пенсия миқдорини кўпайтириш йўли билан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилди.

2010-2014 йиллардаги давлат молияси тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича ислохотлардаги муҳим қадамлардан бири бу бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалари муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартибини жорий этилганлиги ва 2010 йилдан бошлаб ушбу тартибни республиканинг барча ҳудудларидаги мазкур муассасаларга татбиқ этилгани ҳисобланади. Натижада йўналтирилган бюджетлаштиришнинг ушбу элементи бюджет муассасаларининг молиявий мустақиллигини оширилишини таъминлади ва харажатларнинг манзилли ва мақсадли сарфланиши учун шароит яратилишига олиб келмоқда.

2010-2014 йиллар мобайнида бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг изчил равишда ошириб борилиши давом эттирилди. Жумладан, биргина бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 2011 йилда 1,25 баробар оширилиб, бунга қўшимча равишда 1,1 триллион сўм сарфланди. Бу борадаги 2013 йилардаги эришган натижаларга тўхталиб, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов куйидаги фикрларни айтиб ўтган эдилар, “2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақиға нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан

иборатдир. Жорий 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда”¹⁴.

Ушбу ислохотларнинг самарали натижаларига эришишда давлат бюджети харажатларининг ҳиссаси юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети ижросининг Ғазначилик тизимини жорий этилиши натижасида кейинги йилларда давлат бюджети пофицит билан ижро этилмоқда. Бунда режалаштирилган бюджет харажатларини манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминланиши натижасида харажатларнинг максимал иқтисод қилиниши таъминланмоқда. Хусусан, давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари ижросида буни яққол кўришимиз мумкин.

2.3-жадвал

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ижроси тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	Прогноз	Ижроси	Прогноз	Ижроси	Прогноз	Ижроси
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	7864	7 835	9723	9 704	12338	12 299
Таълим	4496	4 464	5604	5 582	7163	7 130
Соғлиқни сақлаш	1720	1 716	2228	2 226	3027	3 024
Маданият ва спорт	155	154	185	185	226	223
Илм-фан	82	81	109	108	139	137
Ижтимоий таъминот	59	58	72	72	87	86
Оилаларга ижтимоий нафақалар	1314	1 312	1383	1 378	1624	1 617

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

¹⁴ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Халқ сўзи газетаси. 2014 йил.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари 7864 млрд. сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси 7835 млрд. сўмни ташкил этган. 2012 йилда ушбу харажатлар прогноз кўрсаткичи 12338 млрд. сўмни ташкил этиб, ижроси кўрсаткичи 12299 млрд. сўмни такил этган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ижроси амалдаги кўрсаткичини таъминланишида унинг асосий компонентлари бўлган таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот, оилаларга ижтимоий нафақалар бўйича харажатлар ижроси аҳамиятли бўлган.

Давлат бюджетининг миллий иқтисодиётимиз аохиди тармоқларини ривожланишида аҳамияти юқоридир. Бу ўз навбатида давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатларида ифодасини топади. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

2.4- жадвал

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби, жамига нисбатан %да

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Давлат бюджети харажатлари	100	100	100	100	100
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	11,5	11,5	11,0	10,6	10,7
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	3,7	3,8	3,5	3,5	3,4
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар	1,1	1,1	0,9	0,8	0,9
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат еhtiёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	0,9	0,8	0,7	0,8	0,9
Бошқа харажатлар	5,8	5,7	5,7	5,7	5,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун харажатлар 2010 йилда жами бюджет харажатлари таркибида 11,5%ни ташкил этган. Ушбу харажатлар таркибида бошья харажатлар асосий салмоқни(2010 йилда-5,8, 2011, 2012, 2013 йилларда 5,75ни, 2014 йилда 5,8%ни) ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлари динамикасидан кўриниб турибдики, бу харажатлар нисбий кўрсаткиларда камайиб бормоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари жами бюджет харажатлари таркибида 2010 йилда 3,7%ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 3,8%ни, 2012 ва 2013 йилларда 3,5%ни, 2014 йилда эса 3,45ни ташки этиши кўзда тутилган.

Умуман, давлат бюджетидан иқтисодиёт харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу орқали аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарни ва хусусан, фермер хўжаликларининг барқарор фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Барчамизга маълумки кейинги йилларда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил етишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда.

Умуман хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджетининг жами инвестициялардаги улуши камайиб бораётганлиги билан бир қаторда унинг номинал мазмундаги ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Жанубий Корея ҳозирги кунда жаҳоннинг етакчи экспортёр давлатларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ҳозирги шароитда

Жанубий Корея ҳукумути томонидан олиб борилаётган молиявий (фискал) сиёсат биринчи навбатда экспортёр корхоналарни ташқи бозорлардаги инқирозли ҳолатлардан ҳимоялашга, ҳудуддаги сиёсий нобарқарорлик ҳолатларини юмшатишга қаратилган.

Жанубий Корея унитар мамлакатлардан бири сифатида жами бюджет харажатлари 202 йилда 325 триллион вонни ташкил этган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 342,5 трлн. вонни ташкил этиши кутилмоқда. 2014 йилда эса жами харажатлар 357,5 трлн. вонга режалаштирилган.

2.5-жадвал

Жанубий Кореянинг жами бюджет харажатлари тўғрисида маълумот¹⁵

(триллион вон, %)

Харажатлар номи	2012	2013	2014
Жами харажатлар (ўсиши, %)	325.4 (5.3)	342.5 (5.3)	357.5 (4.4)
Турмуш фаровонлигини ошириш ва бандликни таъминлаш тадбирларига харажатлар	92.6	97.1	102.1
Таълимга харажатлар	45.5	49.1	53.2
Маданият, спорт, туризм	4.6	4.8	4.8
Атроф муҳит харажатлари	5.9	6.3	6.4
Илмий тадқиқот ва ривожланиш харажатлари	16.0	16.9	17.5
Саноат, энергетикага харажатлар	15.1	15.7	15.3
Ижтимоий нақадной капитал харажатлари	23.1	23.9	23.0
Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, оқиз овқат соҳаси харажатлари	18.1	18.3	18.5
Миллий муҳофаа	33.0	34.6	36.2
Дипломатик ва ташқи сиёсат харажатлари	3.9	4.1	4.4
Ижтимоий буюртма ва ижтимоий ҳимоя	14.5	15.0	15.7
Бошқарув харажатлари	55.1	57.3	61.6

Харажатларнинг йиллик ўсиши 2013 йилда 2012 йига нисбатан 5,3%га тенг бўлган бўлса, 2014 йилда 4,4%га етиши кузатилмоқда. Ушбу харажатлар таркибида турмуш фаровонлигини ошириш ва бандликни таъминлаш тадбирларига харажатлар асосий алмоқни ташкил этиб, ушбу харажатлар бўйича 2013 йилги кўрсаткич 97,1 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Таълимга қилинган харажатлар 2012 йилда 45,5трлн. вонни ташкил этган бўлса, 2013 йилда ушбу харажат 49,1 трлн. вонга ошган. Таълимга харажатлар 2014 йилда 53,2 трлн. вонга ўсиши режалаштирилган.

¹⁵ Манба: <http://www.kostat.go.kr/prtal/english/about/index>

Жанубий Корея миллий бюджетининг ўзига хос хусусиятли жиҳатларидан бири, унда бошқарув харажатларининг юқори салмоққа эгаллиги ҳисобланади. Хусусан, ушбу соҳадаги харажатлар 2012 йилда 55,1трлн вонни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу харажатлар 57,3 трлн вонга етиши кутилмоқда. 2012 йилда эса ушбу харажатлар 61,6 трлн вонни ташкил етиши режалаштирилган.

Шунингдек, шимолий қисмида жойлашган Шимолий Корея томонидан бўладиган сиёсий хавф хатардан ҳимояланиш мақсадида муҳофаза харажатларини ҳам ошириб бормоқда. Хусусан, 2012 йилда ушбу харажатлар 33 трлн. вонни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 34,6 трлн. вонни ташкил етиши кутилмоқда. 2014 йилга келиб эса ушбу харажатларни 36,2 трлн. вонга етказиш режалаштирилган.

Демак хулоса қилишимиз мумкинки, Жанубий Корея бюджетининг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан асосий фарқли жиҳати Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий йўналтирилган бюджет ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг асосий салмоғи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда.

2.2. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатлар тақсимланишининг амалдаги ҳолатининг таҳлили

Бюджетлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг асосий шарти, турли даражадаги бюджетлар молиявий базасини шакллантириш жараёнларини ўзаро боғлашдир. Бюджетлараро тартибга солишнинг муҳим вазифаси бу маблағларни қуйи бюджетларга молиявий ёрдам сифатида қайта тақсимлаш ҳисобланади. Шу мақсадда бюджет амалиётида дотация бериш орқали бюджет тақчиллигини қоплаш, субвенция ёрдамида маҳаллий бюджетларнинг биринчи даражали харажатларини молиялаштириш амалга оширилади. Ҳозирда маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигини ошириш бўйича чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги ислохотлар шароитида давлат ҳокимиятининг турли бўғинлари ўртасида давлат бюджети харажатларининг тақсимланишида маҳаллий ҳокимият органларининг устувор аҳамият касб этаётганлигини жадвал маълумотлари орқали кўриб чиқамиз.

2.6- жадвал

Турли даражадаги бюджетлар харажатларининг умумдавлат бюджети харажатларидаги салмоғи¹⁶

(фоизда)

№	Харажатлар	2013 йил		
		Республика бюджети	Вилоят бюджети	Туман, шаҳар бюджетлари
1.	Ижтимоий-маданий тадбир ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари, шундан:	12	23	65
2.	Иқтисодиёт харажатлари	80	12	8
3.	Марказлаштирилган инвестициялар	51	49	0
4.	Давлат ҳокимият ва бошқариш органлари харажатлари	60	15	25
5.	Прократура, суд ва адлия органлари харажатлари	100	0	0
6.	Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари	0	4	96
7.	Бошқа харажатлар	79	12	9
	Жами	44	25	31

2013 йилдаги маҳаллий бюджетларнинг харажатлари салмоғидаги ижтимоий-маданий тадбир ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг қарийб 89%и маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

¹⁶Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғини таҳлил киладиган булсак у қуйидагичадир.

2.7-жадвал

2009-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг тақсимланиши¹⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2009	2010	2011	2012	2013
Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари (млрд. сўм)	10421,3	13 116,4	16 178,6	20614,1	25104,9
Республика бюджети даромадлари (млрд. сўм)	5627,6	6845,6	9254,1	12078,5	14607,5
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	53,9	52	58	58,5	58,1
Маҳаллий бюджетлар даромадлари (млрд. сўм)	4795,7	6272,7	6924,4	8535,6	10 497, 4
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	46,1	48	42	41,4	41,9


Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари миқдори сўнгги йилларда ошганлигини кўрамыз. Маҳаллий бюджет даромадларининг давлат бюджети даромадларидаги улуши 2009 йилда 46,1 % бўлган. 2010 йилда эса бу кўрсаткич ошган ва 48,0 % ни ёки 6272,7 млрд. сўмга тенг бўлган. 2011 йилга келиб 42% бўлган. 2012 йил маълумотларига кўра 8535,6 млрд.сўмни ёки 41,4%ни ташкил этган, 2013 режасига кўра маҳаллий бюджетларнинг салмоғи 41,9 %га тенг бўлиши кутилмоқда.

Жами давлат бюджети даромадлари йиллар давомида ошган ва 2009 йилда 10421,3 млрд.сўм, 2010 йилда 13 116,4 млрд.сўм, 2011 йилда

¹⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

16 178,6 млрд.сўм, 2012 йилда 20614,1 млрд.сўм га тенг бўлган бўлса, 2013 йилда режага кўра 25104,9 млрд.сўм бўлиши кўзда тутилмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг салмоги ҳам ортиб борган. Яъни республика бюджети даромадларининг Давлат бюджетидagi улуши йиллар давомида ўзгариб борган. Бунга сабаб маҳаллий бюджетларнинг молиявий базасини мустаҳкамлаш борасида катор ишлар амалга ошириб келинмоқда.



2.1-расм. 2009-2013 йилларда республика ва маҳаллий бюджет даромадлари динамикаси¹⁸

Маълумотлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий бюджет даромадларига нисбатан республика бюджети даромадлари катта миқдорни ташкил этаяпти. Сўнгги йилларда эса бюджет даромадлари орасидаги тафовут анча катталашган. Жумладан, 2011 йилда республика бюджети даромадлари 12078,5 млрд.сўмни, маҳаллий бюджет даромадлари эса 8535,6 млрд.сўмни ташкил этган. 2013 йилда анча катта фарқни кўраяпмиз, республика бюджети даромадлари 14607,5 млрд.сўм, маҳаллий бюджет даромадлари 10 497, 4 млрд.сўмга тенг.

¹⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Кейинги жадвалимизда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлар харажатларини 2010-2013 йилларда Давлат бюджети харажатларидаги тутган ўрнини кўриб чиқиб, таҳлил қиламиз.

2.8-жадвал

2010-2013 й. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибида маҳаллий бюджет харажатларининг салмоғи¹⁹


Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2010	2011	2012	2013
Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари (млрд.сўмда)	13732,5	16991,1	21571,4	26312,4
Республика бюджети харажатлари (млрд.сўмда)	5927,7	7497,0	9882,3	12127,6
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	43,0	44,1	45,8	46,1
Маҳаллий бюджетлар харажатлари (млрд.сўмда)	7804,7	9494,0	11689,0	14184, 8
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	57,0	55,9	54,2	54,9

Шу кўрсаткичларни расмда қуйидаги кўринишга эга (6- расм). Маҳаллий бюджет харажатлари миқдори республика бюджети харажатлари миқдorigа нисбатан кўпроқ миқдорни ташкил этапти. Яъни Давлат бюджети харажатларида маҳаллий бюджет харажатлари асосий ўринга эга.

Расмда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таҳлил қилинаётган давр мобайнида бюджет харажатлари миқодрини ошиш тенденцияси кўзатилаяпти. Етакчилик ўринни маҳаллий бюджет

¹⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

харажатлари эгалламоқда. Хусусан 2010 йилга нисбатан 2013 йилда кескин кўтарилишни кўраяпмиз.



2.2-расм.2010-2013 й. Ўзбекистон Республикаси бюджет харажатлари динамикаси²⁰

Жавдалда тақдим этилган маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак 2010 йилда 56,9%ни, 2011 йилда 55,9%ни, 2012 йилда эса 54,2%ни ташкил этган. 2013 йил режасига кўра 54,9% бўлиши кўзда тутилмоқда. Йиллар давомида маҳаллий бюджет харажатлари салмоғини пасайганлигини кўришимиз мумкин.

Маҳаллий бюджет харажатлари миқдори хусусида гапирадиган бўлсак 2010 йилда 7804,7 млрд.сўмни, 2011 йилда 9494,0 млрд.сўмни, 2012 йилда 11689,0 млрд.сўмни ташкил этган. 2013 йила режасига кўра 14184, 8 млрд.сўм бўлиши кўзда тутилмоқда.

Республика бюджети харажатларига оид кўрсаткичлар қуйидагичадир. 2011 йилда 5927,7 млрд.сўмни, 2011 йилда 7497,0 млрд.сўмни, 2012 йилда 9882,3 млрд.сўмни ташкил этган. 2013 йил режасига кўра 12127,6 млрд.сўм бўлиши кўзда тутилган.

²⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Кейинги жадвалимизда Ўзбекистон Республикасида 2010-2012 йилларда ҳудудларга ажратиладиган субвенция миқдорлари хусусида маълумотлар келтирилган.

2.9-жадвал

2010-2012 йилларда ҳудудларга ажратиладиган субвенция миқдорлари²¹

№	Ҳудудлар номи	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
		млн.сўм	%	млн.сўм	%	млн.сўм	%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	162 396,8	12	318 498,9	13	385 540,3	12
2	Андижон вилояти	197 612,8	14	359 043,0	14	470 748,3	15
3	Бухоро вилояти						
4	Жиззах вилояти	105 142,4	8	215 343,8	8	257 088,2	8
5	Қашқадарё вилояти	x	x	x	x	x	x
6	Навоий вилояти	x	x	x	x	x	x
7	Наманган вилояти	198 256,9	14	387 551,3	15	467 240,2	15
8	Самарқанд вилояти	269 133,7	20	547 525,2	22	655 721,8	21
9	Сурхондарё вилояти	235 074,8	17	385 654,9	15	475 855,5	15
10	Сирдарё вилояти	68 046,2	5	84 736,4	3	132 746,5	4
11	Тошкент вилояти	x	x	x	x	x	x
12	Фарғона вилояти	x	x	x	x	x	x
13	Хоразм вилояти	136 255,1	10	248 154,9	10	308 498,5	10
14	Тошкент шаҳри						
	Жами	1 371 918,8	100	2 546 508,4	100	3 153 439,3	100

Келтирилган кўрсаткичлар асосида шунини айтиш мумкинки, 2010 йилда жами субвенциялар ҳажми 1371918,8 млн.сўмни, 2011 йилда 2546508,4 млн.сўмни, 2012 йилда эса 3153439,3 млн.сўмга этган.

²¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Жами ажратилган субвенцияларда энг катта улушга Самарқанд вилояти эга бўлиб, 2010 йилда 20%ни, 2011 йилда 22%ни, 2012 йилда 21%ни ташкил этган.

Ажратилган субвенцияларнинг энг кам улушга эга бўлган ҳудуд Жиззах вилояти ҳисобланиб 2010 2012 йиллар учун салмоғи 8%ни ташкил этган ва ўзгариш кузатилмаган.

Хоразм вилояти маҳаллий бюджетига ажратилган субвенциялар салмоғида ҳам йиллар давомида ўзгариш бўлмаган 10% га тенг бўлган.

Микдор жиҳатидан кўриб чиқадиган бўлсак, Самарқанд вилоятига ажратилган субвенциялар ҳажми 2010 йилда 269 133,7 минг сўмни, 2011 йилда 547 525,2 минг сўмни ва 2012 йилда 655 721,8 минг сўмни ташкил этган.

Субвенция олмаган ҳудудларга қуйидагилар киради: Қашқадарё вилояти, Бухоро вилояти, Навоий вилояти Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Тошкент шаҳри.

Навбатдаги жадвалимиз 2013 йилда прогноз бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг даромад ва харажат, шунингдек ажратиладиган субвенциялар миқдори ҳусусида маълумотлар келтирилган.

Жадвалимиз билан танишиб таҳлил қилиб чиқамиз. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг жами даромадлари 10 497 431,0 млн.сўм, жами харажатлари 14 184 858,4 млн.сўм ва жами субвенциялар ҳажми 3 687 427,4 млн.сўм бўлиши кўзда тутилмоқда.

Энг катта даромадга эга ҳудуд Фарғона вилояти ҳисобланиб даромадлари 1 520 697,1 млн.сўм бўлиши режалаштирилган. Энг кам даромадга эга бўлиши кўзда тутилаётган ҳудуд Сирдарё вилояти, даромади 268 682,4 млн.сўм. Харажатлар ҳусусида гапирадиган бўлсак, энг катта ҳажмда харажат қилиниши кутилаётган ҳудуд Фарғона вилоятидир 1 520 697,1 млн.сўм харажат бўлиши прогноз қилинган. Кичик миқдорда

харажат қилиниши мумкин бўлган ҳудуд Сирдарё вилояти кўрсаткичлари ташкил этилган 421 179,4 млн.сўм.

2.10-жадвал

2013 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг даромад, харажатлари ва ажратилган субвенциялар миқдори (млн.сўм)²²

№	Худудлар	Даромадлар	Харажатлар	Халқ таълими ҳодимлари меҳнат ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов нафақалар учун субвенциялар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	485 014,8	939 840,2	454 825,4
2.	Андижон вилояти	635 705,0	1 178 798,2	543 093,2
3.	Бухоро вилояти	804 003,2	804 003,2	х
4.	Жиззах вилояти	294 886,3	608 909,5	314 023,2
5.	Қашқадарё вилояти	1 245 654,2	1 245 654,2	х
6.	Навоий вилояти	526 199,9	526 199,9	х
7.	Наманган вилояти	556 423,1	1 087 581,8	531 158,7
8.	Самарқанд вилояти	729 092,6	1 500 597,5	771 504,9
9.	Сурхондарё вилояти	514 861,4	1 071 092,0	556 230,6
10.	Сирдарё вилояти	268 682,4	421 179,4	152 497,0
11.	Тошкент вилояти	1 190 387,8	1 190 387,8	х
12.	Фарғона вилояти	1 520 697,1	1 520 697,1	х
13.	Хоразм вилояти	417 226,7	781 321,1	364 094,4
14.	Тошкент ш.	1 308 596,5	1 308 596,5	х
	ЖАМИ	10 497 431,0	14 184 858,4	3 687 427,4

Субвенция ажратилиши кўзда тутилган ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Жиззах вилояти, Наманган вилояти,

²² Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё вилояти, Хоразм вилоятлар ҳисобланади.

2.3. Маҳаллий бюджет харажатлари таркиби ва динамикасининг таҳлили.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда катта ютуиларга эришилиб келинмоида. Бу эришилаётган ютуиларда албатта маҳаллий ҳудудларнинг молиявий соҳадаги олиб бораётган ишлари катта аҳамиятга эгадир. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга қаратилган сарф-харажатларнинг яни маҳаллий бюджет харажатларининг адреслилиги, керакли миқдорлари ўз вақтида керакли жойга тўланиши маҳаллий ҳудуднинг узлуксиз тарзда ривожланишида катта рол ўйнайди.

Мамлакатимизда маҳаллий бюджетларга ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, маҳаллий бюджетнинг умумий салмоғи 30% дан 60% гача бўлиши мумкин. Маҳаллий бюджет харажатларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал етишда бюджет харажатларининг иқтисодий моҳияти, таркибий тузилиши ва уларнинг асосий йўналишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида ижтимоий ислохотларни амалга оширишда давлат ролининг ошиши бюджет харажатларининг турли-туман кўринишларда бўлишини асослайди. Бу ўз навбатида бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Бўлар жумласига қуйидаги асосий омилларни кўрсатиш мумкин:

- давлатнинг функциялари ва географик жойлашиши;
- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси;
- давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши;
- бюджет маблағларини беришнинг шакллари ва шу кабилар.

Ушбу омилларни мувофиқлаштириш давлат ривожланишининг ҳар бир босқичида иқтисодиёт еҳтиёжлари, иқтисодиётни бошқариш даражаси ва кўринишларига мос келувчи харажатлар тизимини келтириб чиқаради. Бюджет

харажатларини ишлаб чиқариш жараёнига таъсир етишига кўра жорий ва капитал бюджет харажатларига ажратилади. Жорий бюджет харажатлари юридик шахсларга ўзларини сақлаш ва кундалик еhtiёжларини қоплаш учун бериладиган молиявий маблағларни ифодалайди.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини баҳолашнинг нисбатан асосланган усули овқатланиш учун харажатларнинг тиббий меъёрларини, таълим соҳасида услубий материаллар ва битта ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчи сони меъёрларини, бюджет ташкилотлари учун коммунал хизматлари харажатлари бўйича лимитларни ва бошқаларни ҳисобга олувчи ягона давлат меъёрлари асосида харажатларни молиялаштириш майдонга чиқади.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини тахминлаштиришда давлатнинг ягона меъёрларини қўллашда юқорида билдирилган ҳолатларнинг еътиборга олинishi маҳаллий молия органлари ва Молия Вазирлиги ўртасидаги харажатларни тахминлаштириш амалиётидаги келишмовчиликларни минималлаштириш имконини беради. Қуйидаги 1-жадвалдан кўришимиз мумкинки маҳаллий бюджет харажатлари 2011 йилдан 2013 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2011 йилда жами маҳаллий бюджет харажатлари 9 192 352.4 млн. Сўмни ташкил этган бўлса 2012 йилда 11 698 055.4 млн сўм бўлган бўлса 2013 йил бу кўрсаткич 14 185 758.4 млн.сўм прогноз кўрсаткичига эгадир. Маҳаллий бюджетлар харажатларида салмоғи бўйича 2011 йилда Андижон вилояти 8.6% ни Қашқадарё вилояти 9.1% ни, Самарқанд вилояти 11.9% ни, Фарғона вилояти 10.6 % ни ташкил этган энг кам салмоғга эга бўлган ҳудуд бу Сирдарё 2.9% ва Навоий вилояти 4.0 % ни ташкил этган. 2012 йил кўрсаткичлари қарайдиган бўлсак Андижон вилояти 8.4% ни Қашқадарё вилояти 8.9% ни ташкил этиб ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан 0.2% камни ташкил этганлига қарамай миқдорида ўсиш кузатилган , Самарқанд вилояти 11.1% ни ташкил этиб миқдор жиҳатдан ўсган лекин жами

2.11-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг 2011-2013 йилдаги харажатлар ҳажми ҳақида маълумот (режада)

№	Минтақаларнинг номлари	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		млн.сўм	%	млн.сўм	%	млн.сўм	%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	583753,400	6,4%	761796,800	6,5%	939 840,2	6,6%
2	Андижон вилояти	787854,000	8,6%	983326,100	8,4%	1 178 798,2	8,3%
3	Бухоро вилояти	534746,800	5,8%	669375,000	5,7%	804 003,2	5,7%
4	Жиззах вилояти	372608,900	4,1%	491209,200	4,2%	609 809,5	4,3%
5	Қашқадарё вилояти	836524,400	9,1%	1041089,300	8,9%	1 245 654,2	8,8%
6	Навоий вилояти	371411,900	4,0%	448805,900	3,8%	526 199,9	3,7%
7	Наманган вилояти	733448,200	8,0%	910515,000	7,8%	1 087 581,8	7,7%
8	Самарқанд вилояти	1092287,700	11,9%	1296442,600	11,1%	1 500 597,5	10,6%
9	Сурхандарё вилояти	708324,000	7,7%	889708,000	7,6%	1 071 092,0	7,6%
10	Сирдарё вилояти	265151,400	2,9%	343165,400	2,9%	421 179,4	3,0%
11	Тошкент вилояти	748461,400	8,1%	969424,600	8,3%	1 190 387,8	8,4%
12	Фарғона вилояти	976807,900	10,6%	1248752,500	10,7%	1 520 697,1	10,7%
13	Хоразм вилояти	496890,900	5,4%	639106,000	5,5%	781 321,1	5,5%
14	Тошкент шаҳри	684081,500	7,4%	996339,000	8,5%	1 308 596,5	9,2%
	Жами	9 192 352,4	100,0%	11 689 055,4	100,0%	14 185 758,4	100,0%

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

маҳаллий бюджет харажатларида салмоғи 0,7% га камайган Фарғона вилояти 10.7 % ни ташкил этган энг кам салмоққа эга бўлган ҳудуд бу Сирдарё 2.9% ва Навоий вилояти 3.8 % ни ташкил этган. 2013 йил режалаштирилган харажатларни таҳлил қиладиган бўлсак Андижон вилояти 1 178 798.2 млн сўмни ташкил этган ва жами харажатларда 8.3% ни ташкил этган, Қашқадарё вилояти 1 245 654.2 млн.сўмни ташкил этиб салмоғи 8.8% ни ташкил этган, Самарқанд вилояти 1 500 597.5 млн. сўмни ташкил этиб салмоғи 10.6 % ни ташкил этган.

Барча вилоятларни умумий олиб таҳлил қиладиган бўлсак маҳаллий бюджет харажатлари салмоқ жиҳатдан камайиш кузатилган бўлсада лекин миқдор жиҳатдан йилдан йилга ўсган.

2-боб бўйича хулосалар

Давлат бюджети таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги халосаларга келинди:

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа харажатлари асосий салмоқни ташкил этмоқда. Шунингдек, ижтимоий соҳа харажатларининг динамикасининг таҳлили кўрсатмоқдаки, ижтимоий соҳага қилинаётган ааражатлар номинал мазмунда ўсиб бормоқда. Ушбу харажатларнинг салмоқли қисмини маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилаётганлигини инобатга олинадиган бўлинса, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини янада мустаҳкамлаш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилади.

Иқтисодиёт харажатлари таркибидаги бошқа харажатларнинг ўсиб бораётганлиги маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашни талаб қилади. Чунки, ушбу харажатларнинг залворли юки маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилмоқда.

Давлат бюджети харажатларининг тақсимланишида ижтимоий соҳа харажатларининг асосий салмоғи мааллий бюджетлардан молиялатирилмоқда. Бу ҳолат кейинги йилларда маҳаллий бюджетлар

харажатлари бўйича бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида уларга Республика бюджетидан субвенциялар ажратилиши ҳиобига ижроси таъминланмоқда.

Кейинги йиллардаги динамикани талил қилиш натижасида дотация режимдаги ўрта бўғин бюджетлар тугатилган бўлса-да, Республика бюджети харажатлари таркибида субвенция кўринишидаги харажатлар кўпайган. Мос равишда маҳаллий бюджетлар даромадларида субвенциялар миқдори кўпайган. Истикболдаги ислохотларга субвенцияларни ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини янада ошириш орқали кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлари ижроси жараёнида маълум бўлдики, аксарият ҳолатларда харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш учун юқори бюджетдан ссудалар олиш ҳолатлари кузатилмоқда.

III. БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЎҒИНЛАРИ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ ЯНАДА ТАОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1. Ўзбекистонда турли даражадаги бюджетлар харажатларини режалаштириш билан боғлиқ муаммолар ва харажатлар самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналишлари.

Иқтисодиётни модернизациялаш билан боғлиқ ислохотларнинг ҳозирги шароитида турли даражадаги бюджетлар харажатлари самарадорлигини ошириш, уларнинг манзилли ва самарали сарфланиши таъминлаш бевосита харажатларни режалаштириш тизимини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Хусусан, бундай ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида харажатларни режалаштиришнинг норматив усулидан натижавийликка йўналтирилган усулига ўтиш стратегик аҳамият касб этувчи ислохотларни бири сифатида эътироф этилмоқда.

Турли даражадаги бюджет харажатларини режалаштириш тизимини ислох қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бюджет харажатларини режалаштириш ва бюджет лойиҳасини тайёрлаш механизминини яратиш. Бунда бюджет маблағлари сарфланиши натижасида эришилиши лозим бўлган мақсадлар, фаолиятнинг тегишли йўналишлари (функциялари) ва дастурлари, шунингдек, қўйилган мақсадларга эришиш даражасининг мониторингини амалга оширишда асос сифатида фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими олдиндан белгиланади ва формаллаштирилади;

- бюджет маблағларини олувчилар ва тасарруф этувчиларга қўйилган мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан, айниқса, самарали бўлган харажатлар тузилмасига доир қарорлар қабул қилишда кўпроқ эркинлик бериш;

- бюджет маблағларини тасарруф этувчиларнинг қўйилган мақсадларга эришиш учун жавобгарлигини уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш ва унга баҳо беришнинг олинган мажбуриятларни бажариш даражасини

фаолиятнинг пировард ва бевосита натижаларининг белгиланган кўрсаткичларига мувофиқ кузатиб бориш имкониятини берувчи тизимини амалга жорий этиш йўли билан кучайтириш. Бунда бюджетнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда назорат органларининг асосий эътибори бюджет маблағлари сарфланишининг қонунийлиги ва амалдаги харажатларнинг режада белгиланган харажатларга мувофиқлигидан режалаштирилган кўрсаткичларга эришиш даражасига баҳо беришга қаратилади. Бундай мониторинг ва баҳолаш натижалари келгуси йил учун бюджетни тайёрлашда режага мувофиқ ажратиладиган маблағлар тўғрисида, шу жумладан, қўйилган мақсадларга эришилмаган тақдирда муайян турдаги харажатларни молиялаштиришни тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади;

- давлат хизматчиларини, бюджет тизимининг бошқа ходимларини, шунингдек, давлат органлари ва уларнинг бўлинмалари раҳбарларини фаолият натижаларига ва уларнинг ҳар бири бундай натижаларга эришишда қўшган шахсий хиссасига қараб рағбатлантиришнинг самарали тизимини амалга жорий этиш.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни қўллаш қуйидаги вазифаларни ечишга нисбатан ёндашувларни белгилаш имкониятини беради:

- бюджет ресурсларини харажатларнинг турларига кўра эмас, балки стратегик мақсадларга кўра тақсимлаш;

- аҳолида талаб амалда мавжуд бўлган хизматларни кўрсатиш;

- бюджет хизматларини кўрсатишнинг энг тежамли усулини танлаш йўли билан мазкур харажатлар устидан назорат ўрнатиш;

- харажатлар дастурларини таққослаш ҳамда харажатларнинг самарадорлиги ва унумдорлигига баҳо бериш натижаларига кўра уларнинг энг тежамлиларини танлаш;

- хизматларни уларнинг сифати нуқтаи назаридан бошқа мамлакатлар, минтақалар ва шаҳарлардаги ўхшаш хизматлар билан таққослаш;

- бюджет харажатларининг тушунарли ва ошкоралиги ҳамда асослилик даражасини ошириш;

- хизматни кўрсатиш қийматинигина эмас, балки унинг ижобий ижтимоий самарасини ҳам аниқлаш;

- этиборни маблағлар мақсадли сарфланиши устидан ташқи назоратдан ички жавобгарликни ва харажатларнинг самарадорлиги устидан ички назоратни кучайтиришга қаратиш;

- бюджетлар харажатлар моддаларининг ҳажми ва тузилиши бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг оқибатларини ҳисобга олиш.

Мақсадларга кўра бошқариш – Management by Objectives (MBO) дастурий-мақсадли бюджетлаштиришни ривожлантириш йўлида ташланган навбатдаги қадам бўлди. Бу босқичда вазирликлар олдида турган мақсадларга эришиш учун уларнинг барча ходимларининг жавобгарлиги кучайтирилди. Бунда вазирлик/идора бошлиғи президент томонидан илгари сурилган миллий аҳамиятга молик мақсадларга эришиш учун, ходимлар эса – ўзлари раҳбарлар билан бирга таърифлаган ва миллий аҳамиятга молик мақсадларга эришишга қаратилган айрим вазифаларни бажариш учун жавоб берардилар. Аввалгидек, вазирликлар фаолиятининг натижаси улар кўрсатаётган хизматларнинг ҳажм кўрсаткичлари билан белгиланарди, лекин MBO доирасида илк бор эришилган натижаларнинг (outcomes) ижтимоий аҳамиятига баҳо бериш таомили жорий этилди.

Мақсадларга кўра бошқариш (MBO) усули давлат секторига бизнесдан кириб келди.

Мазкур усул бизнесни бошқаришда ясаган янгилик мақсадларни танлашда марказлаштиришни уларга эришиш воситаларини танлаш масаласида марказлаштиришдан чиқариш билан уйғунлаштиришдан иборат эди. Мазкур усул қўлланиши туфайли бизнесда эришилган ютуқлар уни марказлаштириш ва марказлаштиришдан чиқаришнинг оптимал уйғунлигини топиш муаммоси долзарб аҳамиятга эга бўлган давлат секторига татбиқ этишга ҳам туртки берди.

Сўнгги йилларда бюджетдан норматив молиялаштиришни (айниқса, ижтимоий соҳаларни) амалга жорий этишга фаол киришилди. Масалан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини таъминлашга ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида аҳоли жон бошига ҳисобланган харажатлардан келиб чиқиб, молиялаштириш механизмини амалга жорий этиш таклиф қилинди.

Шунингдек, республиканинг 3 минтақасида болалар мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар ва касб-хунар коллежлари 2008 йил 1 январдан эксперимент тартибида ҳар бир ўқувчи (тарбияланувчи) ҳисобидан келиб чиқиб, белгиланган нормативга мувофиқ молиялаштиришга ўтказилди.

Сўнгги йилларда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бюджетдан молиялаштириш тизимида муайян қийинчиликлар ва муаммолар сақланиб қолмоқда. Улар энг аввало бюджет маблағларини сарфлашнинг самарадорлигини фақат МДХнинг кўпгина мамлакатларида қўлланилган ва қўлланилаётган бюджетлаштиришнинг харажатли усули ёрдамида ошириш учун қўшимча захиралар йўқлиги билан боғлиқ.

Харажатларни бошқаришга асосланган бюджет жараёнининг тизимли камчиликлари янада бўртиброқ намоён бўлмоқда. Мазкур камчиликлар бартараф этилмаса, сўнгги йилларда кузатилаётган иқтисодий ўсишнинг жамғарилган салоҳияти бутунлай йўққа чиқиши мумкин.

Хўш, қўлланилаётган бюджетлаштириш тизимининг қандай фундаментал камчиликлари бор? Бу, энг аввало, бюджет маблағларини бериш ва уларни сарфлашда аниқ мақсадлар ва кутилаётган натижаларнинг йўқлиги.

Бюджет йили доирасидан ташқарида бюджет маблағларини бериш ва сарфлаш бўйича режаларни қонун йўли мустаҳкамлаш мумкин эмаслиги. Бунда жорий бюджетни ижро этиш жараёнида маблағларни моддалар ўртасида қайта тақсимлаш жуда қийин, бюджет ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқлари эса йил охирида бекор қилинади.

Натижада идоралар ажратилган маблағларни нима қилиб бўлмасин, “ўзлаштириш”га ҳаракат қиладилар.

Амалдаги касса харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқлигини таъминлаш бюджет маблағларини тасарруф этувчиларнинг ҳам, бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳам асосий вазифасига айланадики, бу амалда тегишли бюджет самарасиз бошқарилишида намоён бўлади.

Ўтган даврда ажратилган маблағларни индексация қилиш маблағ олувчиларнинг бюджетларини шакллантиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бунда индексация даражаси инфляциянинг прогноз кўрсаткичларига боғлиқ бўлади ва субъектив хусусият касб этиши мумкин.

Тежамкорликка рағбатлантирувчи омиллар йўқлиги, бюджетни тузиш ва ижро этишда бюджет маблағларини тасарруф этувчиларнинг ваколатлари ва жавобгарлиги чекланганлиги бюджет харажатларининг самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу туфайли ҳам бюджет тизимининг бюджет харажатлари унумдорлигини оширишга, бюджет тизимининг барча даражаларида бюджет маблағларини бошқаришни оптималлаштиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш, давлат молиясини мумкин қадар самарали бошқариш учун шароит яратиш, уни жамиятни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилишга йўналтириш талаб этилади.

Жаҳон тажрибаси бунга эришиш учун бюджетлаштиришнинг харажатли усулидан прогрессив усул – натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ)га ўтиш лозимлигидан далолат беради. Шу билан бир вақтда, бюджетни давлат ижтимоий- иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари билан боғлашни таъминловчи ўрта муддатли бюджетни режалаштиришни амалга жорий этиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз ҳукумати 2007-2018 йилларда давлат молиясини бошқариш ислохоти стратегиясига (матнда кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) мувофиқ давлат молияси ислохотини амалга оширмоқда. Ислохотнинг асосий мақсади бюджет ресурслари самарали

тақсимланишини ҳамда республика ва минтақалар даражасида фискал интизом сақланишини таъминлашдан иборат. Мазкур ислохотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Бюджет ижросининг ғазна тизимини янада такомиллаштириш;
- Замонавий, кенг қамровли ва ягона бюджет ва ҳисоб юритиш тизимини, шу жумладан, янги бюджет таснифини ва бухгалтерия ҳисоби счётларининг янги режасини амалга жорий этиш;
- Ўрта муддатли бюджет стратегияси ва дастурий бюджетлаштиришни амалга жорий этиш.

Юқридаги стратегик аҳмиятга эга бўлган ислохотларни амалга оширишда Республикамизда турли даражадаги бюджетлар харажатларини режааштиришнинг ислох қилишнинг принциплар жихатлари ва бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган ишлар сифатида қуйидагиларни кўриб ўтишимиз мумкин:

1. Бюджет харажатларини амалга ошириш натижаларига эътиборни қаратиш лозим. Бюджет харажатларининг такомиллаштирилган таҳлилин (дастурий бюджетлаштириш усуллари ёрдамида) амалга жорий этибгина қолмасдан, балки бюджет жараёнидан пировард натижаларни ошириш ва уларни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш лозим. Бу икки вазифа ўртасида жуда назик, лекин муҳим фарқ мавжуд.

Натижаларни бошқариш ҳали бирон-бир мамлакатда осон вазифа деб эътироф этилмаган, лекин кўпгина мамлакатлар мазкур ёндашув зарурлигини тан олади ва уни қўллаш фойда келтиради деб ҳисоблайди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тизимга солинган дастурлар йиғиндисини янада мукаммаллаштиришга эришишга тинимсиз ҳаракат қилиш лозим. Дастурларни янада аниқроқ белгилаш ислохотни кенгайтириш учун муҳим асос ҳисобланади. Дастурлар йиғиндисини вақти-вақти билан қайта кўриш амалга оширилмайдиган мамлакатларда ислохотлар одатда самара бермайди.

2. Асосий урғу фаолият натижаларини ўлчашга эмас, балки мазкур натижаларни бошқаришга (фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун

нима қилиш кераклигини аниқлашга) қаратилиши лозим. Натижаларни ўлчашга ислохот инструменти сифатида керагидан ортиқ даражада таяниш муайян хатоликларга олиб келиши ва бошқарув тузилмаларининг салбий реакциясига сабаб бўлиши мумкин. Бу ерда ҳисобдорлик, айниқса, улкан аҳамият касб этади.

3. Стратегик мақсадларни бюджет маблағларини тақсимлаш, бюджетни ижро этиш ва натижаларга эришиш билан боғлаш талаб этилади. Умумий стратегик вазифаларни бюджет маблағларини тақсимлаш ва бюджетни ижро этиш билан мувофиқлаштириш зарурлигини тушуниш мавжуд, лекин бунга эришиш жуда қийин. Кўпгина мамлакатлар мазкур ёндашувни амалда қўллашга ҳаракат қилар эканлар, катта қийинчиликларни енгишга мажбур бўладилар.

4. Очиқ ва ошкора ўрта муддатли режалаштириш ва бюджет маблағларини тақсимлашни таъминлаш зарур. Бюджет маблағларини тақсимлаш ва уларни бошқаришни навбатдаги бюджет йилигагина эмас, балки бир неча йил олдинга мўлжалланган режалаштириш контекстига киритиш лозим. Бир йилга мўлжалланган режалаштиришда кўпгина муҳим вариантлар эътибордан четда қолади (мисол – иш ҳақини тўлашга маблағлар ажратиш).

5. Ахборот тизимларининг ишига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси бир умумий хавф мавжудлигидан далолат беради:

бюджет жараёни ислохоти шу даражада жадал суръатларда ривожлана бошлайдики, мазкур жараённи қувватлаши лозим бўлган ахборот тизимларининг мавжуд техник имкониятларидан анча ўзиб кетади. Тизим имкониятлари натижаларни самарали таҳлил қилиш, ўлчаш ва ҳисобдорлик тизимини амалга жорий этиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш нуқтаи назаридан, айниқса, оқсайди. Ахборот тизимлари дастурлар бўйича харажатларни тақсимлашни ва ҳар бир дастурни амалга ошириш

харажатларини тўлиқ ҳисоблашни таъминловчи воситаларни ўз ичига олиши лозим.

6. Ходимларни рағбатлантириш, уларнинг инсоний салоҳиятини ривожлантириш ва уларнинг ишини ташкил этиш масалаларига лозим даражада эътибор бериш даркор.

Бюджет ислоҳоти ва давлат бошқаруви ислоҳоти ўртасида яқин алоқа мавжуд.

Бюджет ислоҳотининг муваффақияти ва таъсирчанлиги тегишли ташкилий тузилмалар ишига асосланувчи стимуллар ва ҳисобдорлик тизимларига бевосита боғлиқ. Бюджет маблағларини бошқаришни усуллар ва тартиб-таомилларни такомиллаштириш ҳисобибагина яхшилаш мумкин эмас, деган фикр тобора кенг тарқалмоқда. Инсон салоҳиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш масалаларини ечиш лозимлиги тобора фаол эътироф этилмоқда, лекин тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш, одатда, ислоҳот суръатларидан анча оқсамоқда ва шу тариқа, унинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, бирон-бир рағбатлантирувчи чора, агар у тизимга боғлиқ бўлмаса, амалда самара бермайди; муаммога бир неча томондан ёндашиш имкониятини берувчи чора-тадбирлар мажмуи зарур.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида бюджет ресурсларини самарали бошқариш йўли боши берк кўчалар ва охирига етказилмаган ташаббусларга мисоллар билан тўла. Бундай салбий мисоллардан ҳам сабоқ олиш мумкин ва улар ўзининг фойдалилигини исботлаган: масалан, дастурий бюджетлаштиришни амалга жорий этишга уринишлар охирига етказилмай қолган бўлиши мумкин, лекин, шунга қарамай, улар бюджетни ислоҳ қилиш борасида ишни давом эттириш учун замин яратган. Аммо бундай “фальстартлар”нинг хавфли томони шундаки, улар мамлакатнинг “ислоҳ қилувчи салоҳияти”ни пасайтириши, яъни ўзгаришларни давом эттириш учун зарур бўлган сиёсий ирода ва иштиёқни сўндириши мумкин. Олинган сабоқларни умумлаштириб, бу хавфларни камайтириш мумкин.

Ўзбекистонда бюджет жараёнини ислоҳ қилишни амалга ошириш дастлабки босқичда натижаларга йўналтирилган ўрта муддатли бюджетлаштириш принципларини амалга жорий этишда жиддий ютуқларни қўлга киритиш имкониятини беради. Кейинги босқичларда қуйидаги тартиб-таомилларни амалга жорий этиш талаб қилинади:

1. Бюджетни режалаштириш субъектлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва натижалари тўғрисида йиллик маърузалар (БРС маърузалари) тузиш. Мазкур маърузаларда БРС ўз бюджет харажатлари лойиҳаларини уларнинг олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишни тавсифловчи кўрсаткичлар билан боғлайдилар;

2. Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари ва натижалари тўғрисида Йиғма маъруза тузиш. Бунда Давлат бюджети харажатлари умуммиллий аҳамиятга молик мақсад ва вазифаларга эришишни акс эттирувчи кўрсаткичлар билан мувофиқлаштирилади;

3. Навбатдаги молиявий йил учун Давлат бюджети лойиҳасини уч йил олдинга мўлжалланган бюджет харажатларини режалаштириш билан боғлаб тайёрлаш;

4. Идоравий мақсадли бюджет дастурларини ишлаб чиқишга тайёргарлик кўриш;

5. Бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисобот тизимларини ҳисобварақлар ягона режасини, харажатларга қараб пул ўтказиш усули бўйича ҳисоб юритишни амалга жорий этиш ва бюджет таснифини такомиллаштириш йўли билан ислоҳ қилиш;

6. Харажат мажбуриятлари реестрини тузишга тайёргарлик кўриш;

7. Қонун ҳужжатларига бюджет ислоҳоти принципларини акс эттирувчи ўзгартиришлар лойиҳасини тайёрлаш.

Уч йиллик молиявий режани шакллантириш таомиллари ва харажат мажбуриятлари реестрини амалга жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади: уларнинг ёрдамида яратиладиган бюджетни режалаштириш чегараси бюджет

соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг ошкоралиги ва сифатини ҳамда ўрта муддатли истикболда уларнинг барқарорлигини таъминлашни назарда тутати. Бундан ташқари, амалга оширилаётган харажатларнинг мақсадларини англаб етиш ва уч йил олдинга режалаштириш ўз-ўзича улкан аҳамият касб этади, чунки бюджетни шакллантириш ва ижро этиш билан шуғулланувчи давлат хизматчиларининг қарашлари ўзгаришига кўмаклашади.

Шу билан бир вақтда, ислохотлар жараёнини бюджет ижроси, мониторинг ўтказиш ва натижаларга эришиш тўғрисида ҳисобот тақдим этишга қаратиш лозим. Бу бюджет соҳасини тўлақонли ислоҳ қилиш ва давлат харажатларининг самарадорлигини ошириш (аҳолига кўрсатилаётган бюджет хизматларининг сифатини яхшилаш)ни таъминлаш имкониятини беради. Ислохотнинг кейинги ривожланиши қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим.

1. Бюджетни режалаштириш субъектлари ва уларга тобе органлар ва муассасалар томонидан бюджетнинг ижро этилиши, шу жумладан:

- ваколатлар ва функцияларни “юқоридан қуйига” (операцион менежерлар – бюджет харажатларини амалга оширишни бошқарувчи ва режалаштирилган натижаларга эришишни таъминловчи давлат хизматчилари даражасига) ўтказиш ва бюджет жараёнининг бошқарув иерархиясининг юқориқоқ поғоналаридан ўрин олган бошқа иштирокчилари ваколатлари ҳамда функцияларининг конфигурациясини тегишли тарзда ўзгартириш;

- ваколатлар ва функцияларни ўтказиш жараёнини асосий урғуни ташқи назоратдан ички назоратга кўчириш, бошқарув ҳисобини юритишни амалга жорий этиш ва молиявий ахборот тизимларини ривожлантириш йўли билан қувватлаш;

- давлат менежерларини бюджет харажатларининг самарадорлигини оширишга рағбатлантирувчи стимуллар тизимини яратиш.

2. Натижаларга эришиш мониторингини амалга ошириш ва ҳисобдорликни таъминлаш. Натижага йўналтирилган бюджетни

режалаштиришни қўллаш жамоатчиликни қўшимча равишда қуйидагилар ҳақида хабардор этишни талаб қилади:

- давлат хизматларини кўрсатишда эришилган (миқдор ва сифат) кўрсаткичлари, шунингдек, вазирликлар ва идоралар фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги ҳақида;

- йил мобайнида амалга оширилган давлат харажатларининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили натижалари ҳақида;

3. Давлат ресурсларини бошқаришда самарали молиявий менежментни амалга жорий этиш. Бюджет жараёнини ислоҳ қилиш давлат идоралари ва муассасаларида молиявий менежмент тизимини ўзгартиришни назарда тутди. Бунда бюджетни ижро этишда давлат ғазнахонасининг роли ўзгаришсиз қолади: мазкур орган идоралар ва муассасаларнинг топшириқларига мувофиқ тўловларни амалга оширишда ва тўловларнинг бюджетда белгиланган кўрсаткичларга мувофиқлигини таъминлашда давом этади. Операцион (тармоқ) бўлинмалари ва уларнинг ходимлари билан молия ва бухгалтерия ҳисоби учун жавоб берувчи бўлинмалар ўртасида ваколатлар ҳамда вазифаларнинг тақсимланиши ўзгаради.

3.2. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимланиш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари

Бюджет тизими бўғинлари ўртасида харажат ваколатларининг тақсимланиши бюджетлараро муносабатларнинг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бюджет харажатлари давлатнинг функцияларидан келиб чиққан ҳолда жамият олдидаги вазифаларини амалга ошириш учун зарурий маблағларнинг тақсимланишини ўз ичига олади. Модомики, давлат бюджети турли даражадаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий ресурслар базасини ташкил қилар экан, ҳар қайси давлат бошқарув органларига жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётини таъминлаш учун юклатилган вазифаларига мувофиқ равишда бюджет тизимининг турли даражалари ўртасида харажатларнинг тақсимланишини талаб қилади.

Харажатларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши ва бириктирилиши қуйидаги 3 турдаги давлат ваколатлари бўйича бошқарув предметлари (давлат функциялари) ўзаро тақсимланишига асосланади:

- меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколатлар;
- молиявий таъминлаш бўйича ваколатлар;
- ижро этиш бўйича ваколатлар.

Буни қуйидаги жадвал мисолида кўришимиз мумкин.

3.1-жадвал

Давлат функциялари бўйича ваколатларнинг тақсимланиши²³

Функцияларнинг номланиши	Меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколатлар	Молиявий таъминлаш бўйича ваколатлар	Ижро этиш бўйича ваколатлар
Миллий мудофаа	Р	Р+М	Р+М
Ташқи сиёсат	Р	Р	Р
Таълим	Р	Р+М	Р+ М
Соғлиқни сақлаш	Р	Р+М	Р+ М
Уй-жой коммунал хўжалиги	Р+М	М	М
Ижтимоий ҳимоя	Р	Р+М	М

Изоҳ: Р- Республика (марказий ҳокимият), М- маҳаллий давлат ҳокимияти.

Юқоридаги жадвалда давлатнинг 6 та танланма функциялари бўйича ваколатларнинг тақсимланиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларнинг аксарияти юзасидан меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколатлар марказий ҳукуматга тегишлидир. Яъни, ушбу функциялар юзасидан хизматларнинг ҳажми, сифати, ушбу хизматлар билан таъминланиш даражаси, натурал ёки молиявий меъёрлар, харажатларнинг таркиби ва даражасига талаблар марказий ҳукумат томонидан белгиланади.

Таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги тизимини молиявий таъминлаш бўйича ваколатларда маҳаллий давлат ҳокимияти

²³ Развитие Бюджетного Федерализма: международный опыт и Российская практика./ Общая ред. Мигары Де Силвы, Галины Курляндской. Москва: «Весь Мир», 2006.- с.97.

органлари етакчи мавқега эгадир. Айрим давлат функцияларига нисбатан юқоридаги 3 турдаги ваколатлар тўлиғича марказий ҳукуматга бириктирилиши зарур бўлади.

Давлат функциялари бўйича ваколатларнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида тақсимланиши уларнинг ихтиёрида шакллантириладиган бюджетлар ўртасида харажатлар тақсимланишига ва харажатларга асосланган ҳолда даромадларни бириктирилишига ҳамда даромадларнинг қайта тақсимланиш тизими инструментларидан фойдаланиш даражасига асос бўлади.

Ривожланган мамлакатлар амалиёти тасдиқлашича, давлат харажатларининг маҳаллий даражада ижросини таъминлаш билан бирга шундай харажат мажбуриятлари сақланиб қоладики, уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига харажат мажбурияти сифатида берилмайди. Бундай харажатлар марказий ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилади. Мазкур харажатларнинг марказий даражада амалга оширилиши, маълум соҳалар учун марказий ҳокимият органлари томонидан минимал умуммиллий меъёрлар ва андозалар ўрнатилиши билан ҳам белгиланади²⁴. Маҳаллий ҳокимият органлари мазкур меъёрлар ва андозаларнинг ҳудудий таъминотини шакллантириш ва молиялаштириш вазифаларини бажарадилар.

Молиявий тенглаштириш сиёсати бўйича амалга ошириладиган харажатлар бир бутун республика бўйича белгиланган минимал давлат ижтимоий хизматларининг бюджет молиявий ресурслари билан таъминланганлигини шакллантириши зарур.

Амалдаги қонунчилик умумий бюджет харажатларини, марказий ҳукумат органлари ва маҳаллий ҳокимият органларига бириктирилган харажатлар ҳамда ўзаро ҳамкорликда молиялаштириладиган харажатларни аниқлаб беради.

²⁴ Лушин С.И., Слепов В. А. . Государственные и муниципальные финансы. М.: Экономист, 2003 . – с. 246.

Амалдаги “�збекистон Республикаси Бюджет Кодекси”нинг 69-моддасида²⁵ давлат бюджети харажатлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- иқтисодиёт харажатлари;
- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаб туриш харажатлари;
- судларни, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;
- бошқа харажатлар.

Ушбу харажатлар турли даражадаги бюджетлар томонидан молиялаштирилиши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бюджет тизимининг ҳар қайси бўғини ўртасида харажат мажбуриятларининг тақсимланиши бўйича харажатларни икки турга ажратишимиз мумкин:

1. Ҳар қайси бюджет бўғинларига алоҳида харажат мажбурияти сифатида юклатилган харажатлар;
2. Ҳамкорликда молиялаштириладиган харажатлар.

Гарчи фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот каби харажатлар ҳамкорликда молиялаштириладиган харажатлар ҳисобланса-да, мазкур харажатларнинг асосий салмоғи маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилмоқда.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

Демак, харажат ваколатларининг қонуний тақсимланиши кўрсатадики, маҳаллий бюджетлар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда етакчи мавқега эга бўлмоқда. Чунки ҳозирги шароитда давлат бюджети харажатларининг асосий салмоғи ижтимоий-маданий тадбир харажатлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларига тўғри келмоқда.

Демак, ҳозирги кунда даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши билан бир қаторда аражатларни тақсимланиши жараёни натижасида вертикал ва горизонтал бюджет тенгсизлиги вужудга келмоқда. Натижада давлат бюджети харажатларининг залворли юки маҳаллий бюджетлар зиммасига тушмоқда. Буни қуйидаги расм орқали кўришимиз мумкин.



3.2-расм. Бюджет харажатларининг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши.

Кейинги йилларда харажат мажбуриятлари ва даромадларни тақсимланишида маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, убу ислохотларни янада чуқурлаштиришга эҳтиёж вужудга келмоқда.

Бундай ислохотларни амалга ошириш куйидаги йўналишдаги харажатларни қайта тизимлаштириш орқали амалга оширилиши лозим:

1. Маориф харажатлари таркибида мактабгача таълим харажатлари ҳамкорликда молиялаштириладиган харажатлар ҳисобланади. Хусусан, ушбу харажатлар ҳар қайси бюджет томонидан молиялаштирилиши “Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси”нинг 70,71,72-моддаларида²⁶ кўрсатиб ўтилган. Бизнинг фикримизча ушбу харажатларни Республика бюджетига харажат мажбурияти сифатида бириктирилиши мақсадга мувофиқ.

2. Республика бюджетидан субвенция кўринишидаги маҳаллий бюджетларга берилатган маблағларни ажратишда маҳаллий бюджетларнинг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичига асосланган мезон киритилиши мақсага мувофиқдир. Бунинг учун биринчи навбатда ҳудуд иқтисодий салоҳияти ва унинг солиқ салоҳиятини ҳисоблашнинг умумий методологиясини ишлаб чиқиш лозим.

3. Ҳозирги шароитда маҳаллий бюджетларга ижтисоий соҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялатириш юклатилган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда муҳофаа соҳасидаги ҳарбий идораларни сақлаш бўйича айрим харажатларни молиялаштириш ҳам юклатилган. Бизнинг фикримизча ушбу харажатлар тўлиғича Республика бюджетига олиниши мақсадга мувофиқдир.

4. Ҳар бир бюджет ташкилотида харажатларнинг самарали сарфланиши таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотларида инвентаризация ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

3-боб бўйича хулосалар

Юқридаги фикрларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджетларнинг харажат эҳтиёжларини қисқартириш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва харажатларни сарфлаш механизминини янада

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

такомиллаштириш мақсадида қуйидаги йўналишдаги ислохотларни амалга ошириш лозим:

1) Ўрта муддатли бюджетни режалаштириш тизимини жорий этишни тезлаштириш лозим. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш узок муддатли дастурларни молиялаштириш барқарорлигини таъминлайди.

2) Бюджетлаштириш жараёнига дастурий усулларни жорий этиш ва натижавийлика йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этиш. Бу ўз навбатида турли даражадаги бюджетлар харажатлари самарадорлигини ошириш учун имкониятлар яратади.

3) Бюджет харажатларини режалаштириш ва унинг назорат тизимини мукамаллаштириш усули сифатида бюджет менежменти услубиётини жорий этиш.

4) Давлат харидлари тизимининг меъёрий ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш. Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, давлат харидлари жамланма бюджетнинг қарийиб 25%ини ташкил этиб, ушбу йўналишдаги бюджет аражатларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет тизими бўғинлари ўртасида харажатларни тақсимлаш ва маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишларда харажатларни қайта тизимлаштириш таклиф этилади:

5. Маориф харажатлари таркибида мактабдан ташқари таълим муассасалари харажатлари ҳамкорликда молиялаштириладиган харажатлар ҳисобланади. Хусусан, ушбу харажатлар хар қайси бюджет томонидан молиялаштирилиши “Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси”нинг 70,71,72-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Бизнинг фикримизча ушбу харажатларни Республика бюджетига харажат мажбурияти сифатида бириктирилиши мақсадга мувофиқ.

6. Республика бюджетидан субвенция кўринишидаги маҳаллий бюджетларга берилатган маблағларни ажратишда маҳаллий бюджетларнинг

худуд иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичига асосланган мезон киритилиши мақсага мувофиқдир. Бунинг учун биринчи навбатда худуд иқтисодий салоҳияти ва унинг солиқ салоҳиятини ҳисоблашнинг умумий методологиясини ишлаб чиқиш лозим.

7. Ҳозирги шароитда маҳаллий бюджетларга ижтисоий соҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялатириш юклатилган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда муҳофаа соҳасидаги ҳарбий идораларни сақлаш бўйича айрим харажатларни молиялаштириш ҳам юклатилган. Бизнинг фикримизча ушбу харажатлар тўлиғича Республика бюджетига олиниши мақсадга мувофиқдир.

8. Ҳар бир бюджет ташкилотида харажатларнинг самарали сарфланиши таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотларида инвентаризация ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Давлат бюджети харажатларини бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида тақсимланишини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва уни амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

Давлат бюджети харажатлари – давлат пул маблағлари жамғармасининг тақсимланиши ва ундан тармоқ, мақсадли ва ҳудудий даражаларда фойдаланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир. Бюджет харажатларида ягона тақсимот жараёнининг икки томони: бюджет жамғармасининг таркибий қисмларга бўлиниши ва бюджетдан маблағлар оладиган моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда мақсадли сарф қилинадиган пул жамғармаларини шакллантириш ўз аксини топади.

Давлат бюджети давлатнинг жамиятни сиёсий институти сифатида фаолиятининг моддий ва молиявий асосини ташкил этади. Давлат бюджети иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг моддий асосини мамлакатдаги ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёни натижасида шакллантирилган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад ташкил этади.

Ҳар қандай давлатда шакллантириган бюджет тизимида давлатларнинг сиёсий тузилиши, ундаги бошқарув структураси бўйича тақсимланган ваколатлар таъсир этади.

Бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Давлат бюджети даромадларининг асосий вазифаси давлат бюджети харажатлари учун молиявий манбани шакллантириш бўлса, харажатларнинг асосий вазифаси ўз навбатида давлатнинг жамиятдаги вазифаларини самарали бажарилишини молиявий таъминлаш ҳисобланади. Шунинг учун, бюджет сиёсатида аражатлар самарадорлигининг моддий асоси сифатида

унинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланишининг нечоғли самарали ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, харажатларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши куйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- Ҳудудий мувофиқлик.
- Масштаб даражасидаги самара..
- Субсидиарлик.
- Ташқи самара(экстерналии).
- Ҳудудий тафовут самараси.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа харажатлари асосий салмоқни ташкил этмоқда. Шунингдек, ижтимоий соҳа харажатларининг динамикасининг таҳлили кўрсатмоқдаки, ижтимоий соҳага қилинаётган ааражатлар номинал мазмунда ўсиб бормоқда. Ушбу харажатларнинг салмоқли қисмини маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилаётганлигини инобатга олинадиган бўлинса, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини янада мустаҳкамлаш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилади.

Иқтисодиёт харажатлари таркибидаги бошқа харажатларнинг ўсиб бораётганлиги маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашни талаб қилади. Чунки, ушбу харажатларнинг залворли юки маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилмоқда.

Давлат бюджети харажатларининг тақсимланишида ижтимоий соҳа харажатларининг асосий салмоғи мааллий бюджетлардан молиялатирилмоқда. Бу ҳолат кейинги йилларда маҳаллий бюджетлар харажатлари бўйича бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида уларга Республика бюджетидан субвенциялар ажратилиши ҳисобига ижроси таъминланмоқда.

Кейинги йиллардаги динамикани талил қилиш натижасида дотация режимдаги ўрта бўғин бюджетлар тугатилган бўлса-да, Республика бюджети

харажатлари таркибида субвенция кўринишидаги харажатлар кўпайган. Мис-
равишда маҳаллий бюджетлар даромадларида субвенциялар миқдори
кўпайган. Истиқболдаги ислохотларга субвенцияларни ҳудудлар иқтисодий
салоҳиятини янада ошириш орқали кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.
Чунки, маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлари ижроси жараёнида
маълум бўлдики, аксарият ҳолатларда харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида
молиялаштириш учун юқори бюджетдан ссудалар олиш ҳолатлари
кузатилмоқда.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, маҳаллий
бюджетларнинг харажат эҳтиёжларини қисқартириш, уларнинг молиявий
барқарорлигини таъминлаш ва харажатларни сарфлаш механизминини янада
такомиллаштириш мақсадида қуйидаги йўналишдаги ислохотларни амалга
ошириш лозим:

5) Ўрта муддатли бюджетни режалаштириш тизимини жорий этишни
тезлаштириш лозим. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш узок
муддатли дастурларни молиялаштириш барқарорлигини таъминлайди.

6) Бюджетлаштириш жараёнига дастурий усулларни жорий этиш ва
натижавийлика йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этиш. Бу ўз
навбатида турли даражадаги бюджетлар харажатлари самарадорлигини
ошириш учун имкониятлар яратади.

7) Бюджет харажатларини режалаштириш ва унинг назорат тизимини
мукаммаллаштириш усули сифатида бюджет менежменти услубиётини
жорий этиш.

8) Давлат харидлари тизимининг меъёрий ҳуқуқий асосларини янада
такомиллаштириш. Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, давлат
харидлари жамланма бюджетнинг қарийиб 25%ини ташкил этиб, ушбу
йўналишдаги бюджет харажатларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб
этади.

Бюджет тизими бўғинлари ўртасида харажатларни тақсимлаш ва
маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида

қуйидаги йўналишларда харажатларни қайта тизимлаштириш таклиф этилади:

1. Маориф харажатлари таркибида мактабдан ташқари таълим муассасалари харажатлари ҳамкорликда молиялаштириладиган харажатлар ҳисобланади. Хусусан, ушбу харажатлар ҳар қайси бюджет томонидан молиялаштирилиши “Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси”нинг 70,71,72-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Бизнинг фикримизча ушбу харажатларни Республика бюджетига харажат мажбурияти сифатида бириктирилиши мақсадга мувофиқ.

2. Республика бюджетидан субвенция кўринишидаги маҳаллий бюджетларга берилатган маблағларни ажратишда маҳаллий бюджетларнинг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичига асосланган мезон киритилиши мақсага мувофиқдир. Бунинг учун биринчи навбатда ҳудуд иқтисодий салоҳияти ва унинг солиқ салоҳиятини ҳисоблашнинг умумий методологиясини ишлаб чиқиш лозим.

3. Ҳозирги шароитда маҳаллий бюджетларга ижтисоий соҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялатириш юклатилган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда муҳофаа соҳасидаги ҳарбий идораларни сақлаш бўйича айрим харажатларни молиялаштириш ҳам юклатилган. Бизнинг фикримизча ушбу харажатлар тўлиғича Республика бюджетига олиниши мақсадга мувофиқдир.

4. Ҳар бир бюджет ташкилотида харажатларнинг самарали сарфланиши таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотларида инвентаризация ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.- 32 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 192 модда.

II. Ўзбекистон Республикаси президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2010 йил 24 декабрдаги №1449- сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.\$
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Халқ сўзи газетаси. 2014 йил.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
3. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январь, №16(5183)

5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш- тараққиётимизнинг муҳим омилидир.-Халқ сўзи, 2010 йил. 8 декабр.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябр
7. И.А.Каримов Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-70 б.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Халқ сўзи, 2009 йи. 14 феврал
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил, 56 бет.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Халқ сўзи., 2009 йил 14 феврал.
11. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т. халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал, № 28(4438).

IV. Асосий адабиётлар

12. Маликов Т. С., Хайдаров Н. Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 566 бет.
13. Gadoev E.F. va b. Moliya. - Т. O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005.- 160 б
14. Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. - 199 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.–Т.:Иқтисодиёт.-2012.–233 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузани ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: Иқтисодиёт.- 2011.- 500 б.
17. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712.

18. Вахобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений. Уч.пос.- Т.: ТФИ, 2002. с. 46
19. Годин А.М., Максимова Н.С. Бюджетная система Российской Федерации. – М.: Дашков и К, 2006.– 583 с.
20. Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 556 бет.
21. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш .– Тошкент, infoCOM.UZ МЧЖ, 2010. – 152 б.
22. Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А., Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш.- Тошкент, 2010 - 152 б.
23. Срожиддинова З.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик . – Тошкент: infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти, 2010. – 500 б.
24. Б.К. Тухлиев ва б. Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2007. - 189 б.
25. Поляк Г.Б. Бюджетная система Р.Ф. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 550 с.
26. Романовский Г. «Бюджетная система Р.Ф.», изд. «Финансы и статистика», Москва 1998.

V. Қўшимча адабиётлар

27. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.
28. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций.- М.: "Вузовский учебник", 2006- 417 с.
29. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
30. Остонакулов М. Маҳаллий бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Иқтисод-молия, 2009.- 88 б.
31. Қурбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж. Давлат молиясини бошқариш. Электрон ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: ТДИУ, 2012 й.- 200 б.
32. Х.Қурбонов ва б. Давлат бюджети. Ўқув услубий мажмуа. Тошкент 2013 йил.
33. Сабитова Н.М. О понятии финансового потенциала региона и методологии его оценки / /Финансы, 2003, №2, с. 63-65.
34. Кашина Н.В. Налоговый потенциал в системе бюджетного прогнозирования. // «Финансы» №2, 2002, стр. 78-79. Кашина Н.П. Использование налогового потенциала региона в системе государственного финансового планирования. // М.: «Финансы и статистика». 2003, стр. 246.
35. Коршунов Л.А. Налоговые ресурсы региона в условиях перехода к рыночной экономике . // М.: «Финансы и статистика» 2002, стр. 214.

36. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

37. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами.-Т.: 2005 йил.

38. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисоботлари.

VII. Интернет сайтлари

39. <http://www.mf.uz> –ЎзР Молия вазирлиги сайти.

40. <http://www.budgetrf.ru> - Россия Федерацияси бюджет тизими